

ОЙЛИК
ОДАМЛАР НАЙС

ОЙЛИК ИЖТИМОЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ, 1434, ЗУЛХИЖЖА, 4-СОН



«ОДАМЛАРНИ
ХАЖГА
ЧАКИР...»



«ОМИНА» ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИНИНГ
ХАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:

Одинахон Муҳаммад Юсуф
Муяссар Каюмова
Гўзал Дадамуҳамедова
Ирода Аҳмедова
Назокат Қосимова
Дилафруз Юсупова
Гулшода Мўминова
Зарнигор Аҳмадалиева
Умму Муҳаммад Билол

Дизайнер Равшан Маликов

Электрон манзил: muslimalar1@gmail.com

ЭХРОМДАГИ КИШИГА ҲАРОМ
БЎЛАДИГАН НАРСАЛАР

7

БАДАЛ ҲАЖ

13

ОТА-ОНА НОМИДАН
ҲАЖЖИ БАДАЛ ҚИЛИШ

15

УММУ КУЛСУМ РОЗИЯЛЛОХУ
АНҲОНИНГ ФАЗЛЛАРИ

17

ЗУЛҲИЖЖА ОЙЛАРИДА
ЮЗ БЕРГАН МУХИМ ВОҚЕАЛАР

20

ШАҲАРЛАР ОНАСИ

25

УЛУҒЛАРНИНГ ЎГИТЛАРИ

28

ШАРҚ АЁЛЛАРИНИНГ
ГЎЗАЛЛИК СИРЛАРИ

32

Ҳаж ва қурбонлик қилиши сятафи

«Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб: «Менга ҳеч нарсани шерик қилма, Байтимни тавоф қилгувчилар, (ибодатда) қоим турувчилар ҳамда рукуъ, сужуд қилувчилар учун поклагин» (Ҳаж сураси, 26-оят)/

«Одамларни ҳажга чақир, улар сен томон пиёда ва озиб кетган уловлар устида узок-узок йўллардан келсинлар» (27-оят).

«Ва ўзлари учун бўладиган манфаатларга шоҳид бўлсинлар. Маълум кунларда уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (сўйишда) Аллоҳнинг исмини зикр қилсинлар. Бас, улардан енглар ва бечора, факирларга ҳам егизинглар» (28-оят).

«Сўнгра ўзларидаги кирларни кетказинлар, назрларига вафо қилсинлар ва «қадимги уй»ни тавоф қилсинлар», деганимиз» (29-оят).

Демак, Курайш кофирларининг Масжидул Ҳаромга эга чиқиб, мусулмонларни у ерга киришдан ман қилишга ҳеч қандай ҳақлари йўқ.

Аввало, Байтulloҳни улар қурмаган.

«Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб...»

Хатто Каъбаи Муаззамани қаерга куришни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи белгилаб берган. Белгилаб берганда ҳам, Ўзининг пайғамбари Иброҳим алайхиссаломга белгилаб берган. Курайш кофирларига эмас. Иброҳим алайхиссалом ўғиллари Исмоил алайхиссалом билан Аллоҳ таолонинг амрига мувоғик, кўрсатилган жойга Байтulloҳни қуриб битирганларидан сўнг, Аллоҳдан куйидаги фармон келди:

«Менга ҳеч нарсани шерик қилма...»

Яъни «Менга дунёдаги ҳеч бир нарсани шерик келтирма. Байтнинг эгасига ширк келтириш мумкин эмас. Унинг шериги йўқ».

Аммо Қурайш қабиласи кофирлари Байтнинг атрофида, унга қўшни бўлиб яшаб туриб, сон-саноқсиз бутларни Байtulloҳнинг эгасига «шерик худолар» билиб, уларга ибодат қилмоқдалар. Хатто Байtulloҳнинг ичига ҳам уч юз олтмиш бутни киритиб қўйиб, яна қандай қилиб, Масжидул Ҳаромга эга чиқадилар?! Мусулмонларнинг унга кириш йўлларини тўсадилар?!

«...Байтимни тавоф қилувчилар, (ибодатда) қоим турувчилар ҳамда рукуъ, сужуд қилувчилар учун поклагин».

Байtulloҳнинг эгаси Аллоҳ таоло томонидан унинг қурувчиси Иброҳим алайхиссаломга айтилаётган бу сифатлар Қурайш кофирларида эмас, мусулмонларда мавжуд. Демак, Байtulloҳга, Масжидул Ҳаромга Қурайш кофирлари эмас, мусулмонлар ҳақлидилар.

«Одамларни ҳажга чақир...»

«Эй Иброҳим, одамларни ҳаж ибодатига чақир». Демак, ҳаж факат Қурайш кофирлари учун эмас. Ҳамма одамлар учундир.

«...улар сен томон пиёда ва озиб кетган уловлар устида узок-узок йўллардан келсинлар».

Энг узок юртлардан ҳам келсинлар. Пиёда юриб бўлса ҳам, келсинлар. Йўл узоклигидан, машаққатлигидан уловлари озиб-ҳориб кетса ҳам, келсинлар.



Байtulloҳнинг эгаси унинг қурувчисига шундай деб турганидан кейин, Қурайш кофирларининг мусулмонларни ундан тўсишга ҳеч ҳақлари йўқ.

«Ва ўзлари учун бўладиган манфаатларга шоҳид бўлсинлар».

Байtulloҳни ҳаж қилишда ҳар бир ҳожи учун кўплаб дунё ва охират манфаатлари бор. Ҳажда ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатлар кўп. Ҳажга келувчилар, аввало, Аллоҳга ибодат қиладилар, такволари зиёда бўлади, қолаверса, бир-бирлари билан танишадилар, ўзаро фикр ва тажриба алмашадилар, фойдали маслаҳатлар оладилар, шунингдек, савдо-сотиқ, тижорат ҳам қиладилар. Уларнинг бу манфаатлардан баҳраманд бўлишга ҳақлари борлигини Аллоҳнинг Ўзи эълон қилиб қўйган. Энди қандай қилиб Қурайш кофирлари мусулмонларни Масжидул Ҳаромдан, мазкур манфаатлардан тўсадилар!!

«Маълум кунларда уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (сўйишда) Аллоҳнинг исемини зикр қилсинлар».

Ҳаж палласи Аллоҳни зикр қилиш авжига чиқадиган мавсум. Бу мавсумнинг авжи эса ийд кунлари бўлиб, унда қурбонлик сўйиш жараёнида зикр яна кучаяди. Ҳар бир ҳожи Аллоҳ йўлида барча нарсани қурбон қилиш рамзи сифатида, Аллоҳнинг номини зикр этиб туриб, тую, мол, қўй каби чорва ҳайвонларини қурбонлик қиласди.

«Бас, улардан енглар ва бечора, факирларга ҳам егизинглар».

Қурбонлик қилувчи ҳожи қурбонлигидан ўзи еса ҳам бўлади, бева-бечора, факир-фуқароларга егизса ҳам бўлади.

Масжидул Ҳаромнинг эгаси Аллоҳ таолонинг бу амрига қарши мусулмонларни ўша манфаатлардан, қурбонлик қилишдан, Аллоҳнинг номини зикр этишдан тўсишга Курайш коғирларининг нима ҳаққи бор?!

«Сўнгра ўзларидаги кирларни кетказинлар...»

Қурбонлик қилиб бўлганидан кейин, ҳожига эҳромдан чикишга рухсат бўлади. Шунда унинг учун эҳром вактида мумкин бўлмаган соч олдириш ёки қисқартиришга, кўлтиқ остидаги ва бошқа жойлардаги тукларни, тирнокларни олишга изн берилади. Ҳожи бу ишларни бажариб, ювениб-таранади. Оятда

«...ўзларидаги кирларни кетказинлар...» дейишдан мақсад шу.

«...ва «қадимги уй»ни тавоғ қилсинлар».

«**Қадимги уй**»дан мурод Каъбатуллоҳ. Бу тавоғ «фарз тавоғ», «ифоза тавофи» дейилади. Бу тавоғ сиз ҳаж ҳаж бўлмайди. Бу амални адо этиш билан ҳаж ибодати ҳам тугайди.

Ушбу ибодатлардан мусулмонларни тўсишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ким уларни тўсса, катта гуноҳ қилган, зулм ила илходга юрган бўлади.

Масжидул Ҳаромнинг тарихи ва унда қилинадиган амаллар ана шулардан иборат. Аллоҳ таоло у ернинг ҳурматини саклашга чақирган. У ерда маълум ишларни ҳаром қилган. Бунга ҳамма амал қилиши керак.

«Ана шундай. Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларга риоя қилса, бас, бу Робби хузурида унинг ўзи учун яхшидир. Ва сизларга тиловат қилинадиганлардан бошқа чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди. Бас, бутлардан иборат ифлосликдан йироқ бўлинг ва ёлгон сўздан йироқ бўлинг...» (31-оят).

Аллоҳ таолонинг ҳалол-ҳаром деган йўриғига риоя этиш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

«Ана шундай. Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларга риоя қилса, бас, бу Робби хузурида унинг ўзи учун яхшидир».

Ким Аллоҳ ҳаром қилган ишларга риоя қилса, унинг ўзига яхши бўлади. Аллоҳ ҳаром деган шундай ишларнинг энг муҳими Масжидул Ҳаромни ҳурмат қилиб, уни ҳаж, зиёрат этишини хоҳлаганларнинг йўлини тўсмаслиkdir. Бу муқаддас жойни Аллоҳ таоло омонлик, тинчлик, осойишталик маскани этиб қўйган, ана ўшанинг риоясини қилиш керак. У ерда душманлик, тажовузкорлик ва йўлтўсарлик ҳаром қилинган. Буларни Аллоҳ ҳаром қилган. Одамлар ўзларича ҳаром қилиб олган ишларнинг риоясини қилишга ҳеч ким мажбур эмас. Жумладан, ҳеч кимдан мушриклар ўзларига минишни ва ейишни ҳаром деб эълон қилган ҳайвонларни минмай, емай юриш талаб этилмайди. Бу борада хозирча шуни билиб қўйиш кифоя:

«Ва сизларга тиловат қилинадиганлардан бошқа чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди».

Аллоҳ ҳаром қилган ҳайвонлар кейинги оятларда баён этилган. Уларни ўз ўрнида ўрганамиз. Демак, бирор нарсани ҳаром қилиш фақат Аллоҳнинг иши. Фақат Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларнинггина риоясини қилиш керак.

Умуман, ҳаром, нопок ва нажас нарсалардан четда бўлиш лозим. Шунинг учун ҳам оят сўнгидаги күйидаги амр келади:

«Бас, бутлардан иборат ифлосликдан йироқ бўлинг...»

Бутлар маънавий нажосатдир. Ким уларга яқинлашса, ифлосликка яқинлашган бўлади.

«...ва ёлгон сўздан йироқ бўлинг».

Ширк келтириш энг катта ёлғондир. Шу билан бирга, ёлғон сўз ҳам ширкка тенглаштирилмоқда.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Фотик Асадий розияллоҳу анхудан қилган ривоятда айтилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни бомдод намозини ўқиб бўлиб, ўринларидан турдилар ва: «Ёлғон шаҳодат Аллоҳга ширк келтиришга тенглаштирилади», – дедилар-да, шу оятни тиловат қилдилар.

«Аллоҳга бўлган иймондан оғмай, Унга ширк келтирувчи бўлмай. Ва ким Аллоҳга ширк келтирса, бас, у гўёки осмондан қулаб тушган-у, уни йиртқич қуш олиб қочган ёки уни шамол узок-узоқларга учирив кетган кабидир» (31-оят).

Инсон иймонга эришганда юкори мартабаларга эришган бўлади. Аммо кимки ўша юксак мартабани

хоҳламай, Аллоҳга ширк келтирса, худди осмондан қулақ тушган каби бўлади. Осмондан қулақ тушишнинг ўзигина эмас, балки ундан ҳам ёмон бўлади. Ерга тушар-тушмас, уни йиртқич қуш ўз чангалига олиб, одам кўрмайдиган чет жойга олиб қочади. Ёки қаттиқ шамол уни энг хилват жойларга учириб кетади. Мушрикнинг мисоли шу.

«Ана шундай. Ким Аллоҳнинг нишоналари-ни улуғласа, бас, албатта, бу қалбларнинг тақвосидандир» (32-оят).

Биз ушбу оят маъносида «нишоналар» деб таржима қилган ибора Куръони Каримда «شاоир» деб айтилган. Бу «шаъийра» сўзининг жами – кўплик шакли бўлиб, «нишон», «белги», «аломат» деган маъноларни билдиради. Бу сўз Аллоҳ таолога нисбат берилиб, «шаоируллоҳ» – «Аллоҳнинг нишонлари» дейилгандан эса Аллоҳнинг дини, Исломнинг кўзга кўринган, шон-шавкати аломати бўлган ибодатлар кўзда тутилади. Ушбу ояти каримада эса «нишонлар» деганда қурбонликка сўйиладиган катта ҳайвонлар кўзда тутилмоқда.

Демак, ҳажда сўйишга аталган ҳайвонларни улуғлаш, авайлаш, эъзозлаш қалб тақвосидан экан. Чунки ҳаж ибодатидан кўзланган асосий мақсад ҳам тақводир.

«Сизга уларда маълум муддатгача манфаатлар бордир. Сўнгра уларнинг (сўйиш) ўрни «қадимги уй»дадир» (33-оят).

Яъни ўша қурбонлик учун атаб, олиб чиккан ҳайвонларнингиздан маълум муддат манфаатланиб турсангиз бўлади. Миниш мумкин бўлганини миниб, соғиш мумкин бўлганини соғиб ичиш, шунингдек, юқ ортиш ва бошқа мақсадларда фойдаланса бўлаверади.

Сўнгра, вақти келганда, «қадимги уй» – Байтуллоҳ атрофида, хусусан, Минода қурбонлик учун сўясиз. Ана шундай қурбонликлар барча умматларда қилинган.

«Ҳар бир умматга, уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонлари узра Аллоҳнинг исмини зикр қилишлари учун, қурбонлик жорий этганимиз. Бас, илоҳингиз ягона Илоҳдир. Бас, Унгагина мусулмон бўлинг. Тавозеълиларга башорат бер» (34-оят).

«Улар Аллоҳ зикр қилинганда, қалблари титрайдиган ва ўзларига етган мусибатга сабр қилувчилар хамда намозни тўқис адо этувчилардир, уларга ризқ қилиб берган нарсамиздан инфоқ қиладилар» (35-оят).

Демак, Аллоҳ таоло қурбонлик қилишни ҳамма умматларга жорий этган. Қурбонлик ҳам катта ибодатлардан саналади. Ҳамма ибодат Аллоҳ учун бўлганидек, қурбонлик ибодати ҳам Аллоҳ учундир. Одамларга чорва ҳайвонларини ризқ қилиб бергани учун улар шукр қилиб, улуғлаб, Аллоҳнинг номини зикр қилсинлар деб, қурбонлик жорий этилган. Шу боис, Аллоҳдан бошқанинг номи айтилиб сўйилган ҳайвоннинг гўшти ҳаром бўлади.

Ҳамма умматларга қурбонлик қилиш буюрилганлиги ҳақидаги хабардан кейин,

«Бас, илоҳингиз ягона Илоҳдир», – деб, Аллоҳнинг ягоналиги эслатилмоқда.

Ҳа, ҳамманинг илохи – маъбути Биру Бор Аллоҳ таолодир. Ҳамма фақат Унгагина ибодат қилиши керак. Ҳамма Унгагина қурбонлик сўйиши керак.

«Бас, Унгагина мусулмон бўлинг».

Ҳамма фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина таслим бўлиб, итоат этиши керак. Унгагина иймон келтириб, мусулмон бўлиши керак. Ана ўшандагина икки дунё саодатига эришади.

Куйидаги жумлаларда васфи келган бандалар башоратга ҳақли бўладилар:

«Тавозеълиларга башорат бер».

Аллоҳ таолога тоат қилиб, ўзини мутавозе тутган бандаларга башорат бер. Эй Пайғамбар, эй улуғ шаън соҳиби!

Уларнинг васфлари қуйидагича:

«Улар Аллоҳ зикр қилинганда, қалблари титрайдиган...»

Яъни уларнинг қалблари шунчалик пок, Аллоҳнинг муҳаббатига тўлиқки, уларга тарғибаташвиқнинг ҳам кераги йўқ, фақат Аллоҳнинг номи зикр қилинса, бас, қалблари титраб кетади.

«...ва ўзларига етган мусибатга сабр қилувчилар...»

Мусибат етганда, жазавага тушмайдилар, сабрсизлик қилмайдилар, балки Аллоҳнинг қазосига рози бўлиб, сабр этадилар.

«...намозни тўқис адо этувчилардир...»

Намозни тўқис адо этмасдан туриб, башоратдан умидвор бўлиш асло мумкин эмас.

«...уларга ризқ қилиб берган нарсамиздан инфоқ қиладилар».

Булар молиявий ибодатлари бўлади.

Ҳажда бадан ибодатига қўшилиб, молиявий ибодат ҳам бор. Мисол учун, қурбонлик қилиш.

«Ва туяларни сиз учун Аллоҳнинг нишонларидан қилдик. Уларда сизга яхшилик бор. Уларга олд оёқларидан бири боғлоғлиқ турган ҳолида Аллоҳнинг номини зикр қилинг. Ёнлари ерга текканида эса, бас, улардан ёнг, қаноатли ва тилантан камбағалларни ҳам

таомлантиринг. Шундай қилиб, уларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйдик. Шоядки, шукр қилсангиз» (36-оят).

Аллоҳ субханаҳу ва таоло ушбу ояти каримада қурбонлик қилинадиган ҳайвонларнинг энг каттаси бўлмиш тия ҳақида сўз юритмоқда.

«Ва туяларни сиз учун Аллоҳнинг нишонларидан қилдик».

Яъни туяларни Аллоҳнинг динидаги улкан ибодатда қурбон этиладиган ҳайвонлардан қилдик.

«Уларда сизга яхшилик бор».

Туяларда одамлар учун кўплаб яхшиликлар бор. Керак бўлганида минадилар, юқ ортадилар, маркабларга қўшадилар, сутини ичадилар, гўштини ейдилар, терисидан, жунидан фойдаланадилар, сотиб, моддий манфаат кўрадилар. Энг муҳими, уларни қурбонликка сўйиб, Аллоҳга қурбат ҳосил қиласидилар.

«Уларга олд оёқларидан бири боғлоғлиқ турган ҳолида Аллоҳнинг номини зикр қилинг».

Туя тик турган ҳолида, олд оёқларидан бирини бўйнига боғлаб туриб, сўйилади. Бу ҳол араб тилида бир сўз билан «саваффа» дейилади. Демак, туяни қурбонликка сўйиш учун олд оёқларидан бирини боғлаб қўйган чоғда Аллоҳнинг номини зикр қилиб, сўйиш керак.

Яъни «Бисмиллахи, Аллоҳу акбар. Аллоҳумма, минна илайка», деб туриб сўйиш керак. Сўйгандан сўнг,

«Ёнлари ерга текканида эса, бас, улардан енг, қаноатли ва тиланган камбағалларни ҳам таомлантиринг».

Яъни сўйилган туялар ерга йиқилганидан сўнг, гўштидан ўзингиз ҳам тановул қилинг. Иффати тиланишга йўл бермай, қаноат қилиб турган камбағалларга ҳам, қаноат кила олмай, тилануб юрган камбағалларга ҳам беринг.

«Шундай қилиб, уларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйдик».

Улкан жасадли, қувватли бўлса ҳам, сиз ақл ишлатиб, уларни измингизга соласиз, фойдаланасиз.

«Шоядки, шукр қилсангиз».

Шоядки, шунчалик шароит яратиб берган Аллоҳга мақтовлар айтсангиз, У берган неъматларни ўз ўрнида ва уни рози қиласидиган этиб сарфласангиз.

Қурбонлик қилиш ибодати ҳам, бошқа ибодатлар каби, Аллоҳ учун дейилса-да, аслида, фойдани инсон кўради. Қурбонлик қилинган ҳайвоннинг гўштидан сўйиган одамнинг ўзи ва факир-фуқаролар манфаатдор бўладилар.

«Уларнинг гўштлари ҳам, қонлари ҳам зинҳор Аллоҳга етмас. Лекин Үнга сиздан тақво етадир. Шундай қилиб, сизни ҳидоят қилгани эвазига Аллоҳга тақбир айтишингиз учун уларни сизга бўйинсундириб қўйди. Яхшилик қилгувчиларга башорат бер» (37-оят).

Ҳа, қурбонликка сўйилган ҳайвонларнинг гўштларини ҳам, қонларини ҳам Аллоҳ таоло олмайди. У Зот уларга муҳтоҷ эмас. Қурбонлик қилишдан мақсад банданинг Аллоҳ амрига итоатини, тақвосини намоён этишдир. Банда ихлос билан қурбонлик қилиб, Аллоҳнинг йўлида ҳайвон сўймокдами, демак, ўша банданинг Аллоҳ таолога тақвоси бор экан. Аллоҳнинг розилиги учун борини қурбон қилишга тайёр экан. Шу билан бирга, қурбонлик қилиш банда учун Аллоҳни улуғлашга бир фурсатдир.

«Шундай қилиб, сизни ҳидоят қилгани эвазига Аллоҳга тақбир айтишингиз учун уларни сизга беминнат хизматкор қилиб қўйди».

Банда Аллоҳни қанча улуғласа, шунча оз. Биргина ҳидоятга бошлаб қўйгани учун қанча тақбир айтиса, оз. Қурбонлик қилиш ҳам, Аллоҳнинг йўлида ҳар қандай қурбонлик беришга тайёр эканини кўрсатиш ҳам ўша ҳидоят учун Аллоҳ таолони улуғлашдир.

Имом Абу Ҳанифа мазҳаблари бўйича, моли зақот бериш нисобига етган муқим одамга қурбонлик қилиш вожиб бўлади.

«Яхшилик қилувчиларга башорат бер».

Яъни «Тасаввурни, эътиқодни, амални, ибодатни ўнглаган ва бошқа бурчларни яхши адо этадиганларга хушхабар бер».

Мўмин-мусулмонлар ушбу ибодатларни қилишлари лозим. Лекин мушрик-кофирлар уларга бу имкониятни бермаяптилар. Уларнинг тинчларини бузиб, хужум қилмоқдалар. Масжидул Ҳаромдан, Аллоҳнинг йўлидан тўсмоқдалар. Нима қилиш керак? Улар доимо кофирлардан кўркиб юраверадиларми?

Ҳаж сураси, 26-37-оятлар.
«Тафсири Ҳилол» китобидан олинди.

ЭХРОМДАГИ КИШИГА ҲАРОМ БҮЛАДИГАН НАРСАЛАР



منها ليس الثياب والطيب

Кийим кийиш ва хушбўй суртиш

- عَنْ أَبْنَىْ عُمَرَ بْنِ حَلَّةِ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا يَلِبِسُ الْمُحْرِمُ مِنِ
الثِّيَابِ قَالَ: لَا يَلِبِسُ الْقُمْصَ وَلَا الْعَمَائِمَ وَلَا السَّرَّاوِيَاتَ وَلَا الْبِرَانِسَ
وَلَا الْخَفَافَ إِلَّا أَحَدٌ لَا يَجِدُ نَعْلَيْنِ فَلَيْلِبِسْ خُفَفَينِ وَلَيَقْطَعُهُمَا أَسْفَلَ مِنِ
الْكَعْبَيْنِ وَلَا تَبْلِسُوا مِنَ الثِّيَابِ شَيْئًا مَسْهُ الرَّعْفَرَانُ أَوْ وَرَسُ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилиниади:

«Бир киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Эхромдаги киши қайси кийимларни кияди?» деди.

«Кўйлаклар, саллалар, шалворлар, кулоҳлар, махсиларни киймайди. Аммо кийигани кавуш топмаса, махси кийиб, ошиғидан пастидан кесиб олсин. Заъфарон ва варас теккан кийимларни кийманглар», дедилар».

Шарҳ: Умуман олганда, эркак киши эхромга кирганда тикилган нарса кийиши мутлақо мумкин эмас.

«Заъфарон» сариқ рангли ўсимлик бўлиб, уни кийимларга кўпроқ хушбўй нарса сифатида суртилган.

«Варас» Яманда ўсадиган сарғиш-қизил ўсимлик бўлиб, у хам хушбўй нарса сифатида ишлатилган. Ҳаж ва умра қилувчи киши эхром кийимиға бу икки нарсани суртиши мумкин эмас.

Эхромдаги эркак кишининг оёқларининг уст қисми очик бўлиши лозим. Шунинг учун кавуши йўқ одам махси кийишга мажбур бўлса, унинг ошиғидан пастини кесиб ташлаши лозим.

- وَفِي رِوَايَةٍ مَنْ لَمْ يَجِدْ النَّعْلَيْنِ فَلَيْلِبِسْ الْخَفَفَيْنِ وَمَنْ لَمْ يَجِدْ إِزارًا
فَلَيْلِبِسْ سَرَّاوِيَّا.

Бошқа бир ривоятда:

«Ким кавуш топмаса, махси кийсин. Ким изор топмаса, шалвор кийсин», дейилган.

Албатта, кавуш топмаган киши аввалги ривоятда айтилганидек, махсини ошиғидан пастидан кесиб, кияди. Изор – эхром боғлаган эркак киши киндигидан пастига тутадиган лунги. Изорни топмаган киши шалвор кийиб олса бўллар экан. Бунда ўша кийимнинг иложи борича изорга яқин бўлиши риоя қилинади.

عَنْ يَعْلَى بْنِ أُمَيَّةَ أَنَّ رَجُلًا أتَى النَّبِيَّ ﷺ وَهُوَ بِالْجَعْرَاءَةِ قَدْ
أَهَلَّ بِالْعُمَرَةِ وَهُوَ مُصَفَّرٌ لِحِينَهُ وَرَأْسُهُ وَعَلَيْهِ جُبَّةٌ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي
أَحْرَمْتُ بِعُمَرَةٍ وَأَنَا كَمَا تَرَى فَقَالَ: ازْنِ عَنْكَ الْجُبَّةَ وَاغْسِلْ عَنْكَ الصُّفْرَةَ
وَمَا كُنْتَ صَانِعًا فِي حَجَّكَ فَاصْنَعْهُ فِي عُمْرَتَكَ رَوَاهُمَا الْخَمْسَةُ.

Яъло ибн Умайя розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаъронада умра ниятини қилиб бўлганларида соқоли ва бошини сариқقا бўяган, чопон кийиб олган бир киши келди ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мен умрага эхром боғладим. Ўзим эса сиз кўриб турганингиздек», деди.

«Устингдаги чопонни еч. Ўзингдаги сариқни юв. Ҳажингда нима қилсанг, умрангда ҳам шуни қил», дедилар».

Иккисини бешовлари ривоят қилганлар.

Демак, умрада ҳам худди ҳаждаги каби эхром боғланади ва ҳажга эхром боғлаган кишига ҳаром бўлган нарсалар умрага эхром боғлаган кишига ҳам ҳаром бўлади. Ушбу ривоят қаҳрамони каби тўн кийиш, соч-соқолни бўяш каби ишлар шулар жумласидандир.

— عَنْ أَبْنَى عَبَّاسٍ أَنَّ رَجُلًا كَانَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَوَقَصَتْهُ نَاقَةٌ هُوَ مُحْرِمٌ فَمَاتَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَغْسِلُوهُ مَاءً وَسَدِيرٌ وَكَفْنُوهُ فِي ثَوْبِهِ وَلَا تَمْسُوهُ بِطِيبٍ وَلَا تُخْمِرُوهُ رَأْسَهُ فَإِنَّهُ يُبَعِّثُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مُلَبِّيًّا رَوَاهُ الشَّيْخَانَ وَالْتَّمْذِي.

Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эди. Бас, туяси уни эхромдаги ҳолида йиқитди. У ўлиб қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни сув ва сидр ила ювинглар. Икки (эхром) кийими ила кафандланглар. Унга хушбўй суртманглар. Унинг бошини ўраманглар. Чунки у қиёмат куни «лаббайка»ни айтган ҳолида тирилтирилади», дедилар».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан эхромда юрганида ўлган одамга оид ҳукмлар баён этилмоқда.

1. У сув ва сидр билан ювилади. Сидр юмшатиш хусусиятига эга бўлган ўсимлик бўлиб, Арабистонда маййит ювиладиган сувга қўшилади.

2. Уни эхром кийимлари билан кафандлаш афзал.

3. Унга хушбўй нарса суртилмайди. Чунки у ўлимидан олдин ҳам хушбўй нарса ҳаром бўлган ҳолда эди.

4. Унинг боши беркитилмайди. Чунки у ўлимидан олдин ҳам боши очик юриши лозим ҳолда эди.

5. Унинг бу ҳолда ўлиши шарафлидир. У қиёмат куни «лаббайка»ни айтган ҳолда қайта тирилади.

— عَنْ أَبْنَى عَمَرَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي إِحْرَامِهِ عَنْ الْقَافَازِينَ وَالنَّقَابِ وَمَا مَسَ الْوَرْسُ وَالرَّعْرَافَانِ مِنَ النَّيَابِ وَلَنْلَبِسْ بَعْدَ ذَلِكَ مَا أَحَبَّتْ مِنْ الْوَانِ النَّيَابِ مُعْصَفَرًا أَوْ حُلْيَا أَوْ سَرَاوِيلَ أَوْ قَمِيصًا أَوْ حُفَّا. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنْنِ وَأَحْمَدُ.

Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларни эхромда кўлқоп кийишдан, ниқоб тутишдан ва заъфарон ҳамда варас теккан нарсани кийишдан нахий қилганларини эшитдим. Ундан бошқа яхши кўрган рангдаги кийимларини: бўялганми, ипакми, тақинчоқми, лозимми, кўйлакми, махсими, кияверсин».

«Сунан» эгалари ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан аёлларнинг эхром кийимлари эркакларницидан тамомила бошқача эканлиги яққол кўриниб турибди. Кийим хусусида эхромдаги аёлга уч нарса ман қилинади:

1. Кўлқоп кийиш.

Баъзи аёллар ўзларини беркитиш мақсадида ҳатто кўлларига кўлқоп кийиб олишади. Бу нарса эхромдаги аёлга мумкин эмас. Эхромдаги аёлнинг икки қўлининг бўғинидан пасти очик турни кепрак.

2. Ниқоб тутиш.

Баъзи аёллар тақво қилиб, юзларини ниқоб билан бутунлай тўсиб, фақат икки қўзларинигина очиб юрадилар. Бу нарса ҳам эхромдаги аёлга мумкин эмас. Эхромдаги аёлнинг юзлари берк бўлиши дуруст эмас.

3. Заъфарон ва варас суртилган кийим кийиш.

Чунки заъфарон ва варас хушбўй нарсалардир. Эхромдаги кишига бошқа хушбўй нарсалар катори улар ҳам ман қилинган. Бу борада эхромдаги эркаклар ва аёллар баробардирлар.

Аёл киши мазкур нарсалардан бошқа кийимларни кияверади.

- عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: كَانَ الرُّكْبَانُ يَمْرُونَ بِنَا وَنَحْنُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ مُحَمَّدٌ فَإِذَا حَانُوا بِنَا سَدَلْتُ إِحْدَانَا جِلْبَابَهَا مِنْ رَأْسِهَا عَلَى وَجْهِهَا فَإِذَا جَاؤُزُونَا كَسَفْنَاهُ رَوَاهُ أَبُو دَاؤُدْ وَابْنُ مَاجَةَ.

Оиша розияллоху анҳудан ривоят қилинади:
«Бизнинг олдимиздан отлиқлар ўтарди.
 Биз эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эхромда эдик. Улар тўғримизга келганларида (хар) биримиз жилбобимизни бошимиздан юзимизга тушириб олардик. Улар биздан ўтиб кетганларида уни очардик».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу хадисдан эхромдаги аёлларнинг begona эркаклардан юзларини тўсишлари лозимлиги келиб чиқади. Бу ривоят Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг азвожи мутахҳаротларига хос бўлиши ҳам мумкин.

Умуман олганда, аёл кишининг эхромдалик чоғида юзи ва кафтларини тўсиши ҳаромдир. Факат номаҳрам эркакларга дуч келиб қолгандагина юзини улардан беркитади.



وَمِنْهَا قُتْلُ الصَّيْدِ إِلَّا الضَّارُ مِنْهُ

Зарарсиз ов ҳайвонини ўлдириш

Аллоҳ таоло: «Денгиз ови ва унинг таоми сизга ва сайд қилувчиларга ҳалол этилди. Модомики эхромда экансиз, сизга қуруқлик ови ҳаром қилинди. Ҳузурида тўпланадиганингиз Аллоҳга тақво қилинг», деган (*Моида сураси, 96-оят*).

Эхромдаги инсоннинг сув ҳайвонларини ов қилиши ёки унинг таомидан истеъмол қилиши жоиз. Лекин

«Модомики эхромда экансиз, сизга қуруқлик ови ҳаром қилинди».

Яъни, Аллоҳнинг амрига итоат қилмоғингиз зарур. Бу иш тақво билан бўлади. Шундай экан, қиёмат куни

«Ҳузурида тўпланадиганингиз Аллоҳга тақво қилинг».

Мазкур ҳукм, яъни овнинг ёки бошқа яна баъзи бир ишларнинг ҳаром қилиниши фактат ҳаж ва умра замонигагина тааллуқли эмас. Балки баъзи маконларда доимий равишда жорий этилган. Шунингдек, айрим ойлар ҳам ҳаром қилинган.

Эхромдаги киши учун қуруқликдаги ҳайвонларии овлаш ҳаромдир. Улар бу ишни қилишлари мумкин эмас.

- عَنْ ابْنِ عَبَّاسِ قَالَ: أَهْدَى الصَّعْبُ بْنُ جَثَامَةَ إِلَى النَّبِيِّ حَمَارًا وَحْشًّا وَهُوَ مُحَرَّمٌ فَرَدَهُ عَلَيْهِ وَقَالَ: لَوْلَا أَنَا مُحْرِمُونَ لَقَبِلَنَا مِنْكَ.

Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Саъб ибн Жассома Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ёввойи эшакни ҳадя қилди. У зот эхромда эдилар. Уни қайтардилар ва:

«Агар эхромда бўлмаганимизда, уни сендан қабул қиласр эдик», дедилар».

Шарҳ: Зебра номли ҳайвон араб тилида «ёввойи эшак» деб аталади. Саъб ибн Жассома розияллоху анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга у зот эхромдалик чоғларида ёввойи эшакни ҳадя қилган экан. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом эхромда эканликларини ва бу ҳадяни олишдан узрли эканликларини тушунтирган эканлар.

- وَفِي رَوْيَةٍ: أَهْدَى لَهُ عُضُوًّا مِنْ لَحْمِ صَيْدٍ فَرَدَهُ فَقَالَ: إِنَّا لَا نَأْكُلُهُ إِنَّا حُرُمٌ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Бошқа бир ривоятда:

«У зотга ов ҳайвонининг бир аъзоси ҳадя қилинди. У зот уни қайтардилар ва: «Биз уни емаймиз, биз эхромдамиз», дедилар», дейилган.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисдан эхромдаги одам ўзи овламаган бўлса ҳам, бошқа кишилар овлаган нарсалардан манфаатланиши, унинг гўштидан ейиши мумкин эмаслиги келиб чиқади.

Кейинги ривоятдан эса ўша бошқа одам эхромда бўлмаса, унинг овидан ейиши мумкинлиги равшан бўлади. Эхромдаги одам ов қилса, унинг ўзи ҳам, бошқа эхромдаги кишилар ҳам у овдан ейишлари мумкин эмас.

- عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ قَالَ: صَيْدُ الْبَرِ لَكُمْ حَلَالٌ وَأَنْتُمْ حُرُمٌ مَا لَمْ تَصِيدُواْ أَوْ يَصُدْ لَكُمْ رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنْنِ وَقَالَ الشَّافِعِيُّ: إِنَّهُ أَحْسَنُ حَدِيثٍ فِي الْبَابِ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Модомики у (ов)ни ўзингиз овламаган бўлсангиз ёки сиз учун овламаган бўлса, сизга эхромдаги холингизда қуруқлик ови ҳалоддир», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Бу ҳадисдан эхромда бўлмаган одам овлаган овдан эхромдаги киши еса бўлади, деган маъно келиб чиқади. Ҳанафий мазҳаби бўйича ҳам эхромдаги одам овламаган ва пиширгаган, ишларнинг ҳаммасини эхромда бўлмаган одам килган ов эхромдаги киши учун ҳалоддир.

Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқалар Абу Қатода розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда қуидагилар айтилади:

«Худайбия йили Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга умрага эхром боғладилар. Фақат менгина эхром боғламадим. Бир ёввойи эшакни овладим. Уни шерикларимга таом қилиб бердим. Улар эхромда эдилар. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хабарни етказдим ва бизда унинг гўштидан яна борлигини айтдим. У зот «Уни енглар», дедилар. Улар эхромда эдилар».

- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَقَالَ: خَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ فِي حَجَّ أَوْ عُمْرَةَ فَاسْتَقْبَلَنَا رَجُلٌ مِنْ جَرَادٍ فَجَعَلَنَا نَضْرِبُهُ بِسِيَاطِنَا وَعِصِّينَا فَقَالَ النَّبِيُّ كُلُّهُ فِإِنَّهُ مِنْ صَيْدِ الْبَحْرِ. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاؤُدَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ҳаж ёки умра учун чиқдик. Олдимииздан чигиртка тўпи чиқиб қолди. Биз уларни қамчиларимиз ва асоларимиз билан ура бошладик. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни енглар. У денгиз овидандир», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисдан эхромдаги одам чигирткани ейиши мумкинлиги маълум бўлмоқда. Чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом ушбу ҳадиси шарифда таъкидлаётганларидек, чигиртка қуруқлик ҳайвони эмас, денгиз ҳайвони қаторига киради.

- عَنْ حَفْصَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ قَالَ: حَمْسٌ مِنَ الدَّوَابِ لَا حَرَجٌ عَلَى مَنْ قَاتَلَهُنَّ الْغَرَابُ وَالْحِدَاءُ وَالْفَارَةُ وَالْعَقْرُبُ وَالْكَلْبُ الْعَقُورُ.

Хафса розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ҳайвонлардан бештасини қатл қилса, ҳараж эмас. (Улар) ола қарға, калхат, сичқон, чаён ва қутурган ит», дедилар».

- وَفِي رَوْيَةٍ: حَمْسٌ فَوَسْقٌ يُقْتَلُنَّ فِي الْحَلَّ وَالْمَرْءَمِ الْحَيَّةُ وَالْغَرَابُ الْأَبْقَعُ وَالْفَارَةُ وَالْكَلْبُ الْعَقُورُ وَالْحَدَاءُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Бошқа бир ривоятда:

«Беш фосик хил(ҳарам ташқариси)да ҳам, ҳарамда ҳам қатл қилинади. (Улар) илон, ола қарға, сичқон, қутурган ит ва калхат», дейилган.

Бешовлари ривоят қилишган.

«Фосик» сўзи «чегарадан чиқкан» маъносида ишлатилади. Ушбу икки ривоятда номи зикр қилинган ҳайвонлар доимий равишида зааркунданалик қиладиган ҳайвонлардир. Уларнинг ёмонлигидан сақланиш мақсадида уларни ҳарамда ҳам, ҳарамдан ташқарида ҳам, эхромдалиқ чоғда ҳам, эхромда бўлмаган чоғда ҳам ўлдиришга рухсат берилган.

Демак, эхромдаги киши мазкур зааркунанда ҳайвонларни ўлдирса, ибодатига путур етмайди.



و منها النكاح

Никох

- عَنْ أَبْيَانَ بْنِ عُثْمَانَ قَالَ: سَمِعْتُ أَبِيهِ يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ: لَا يَنْكِحُ الْمُحْرِمُ وَلَا يُنكِحُ وَلَا يَخْطُبُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

Абон ибн Усмон розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Отамнинг «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эҳромли киши никоҳланмайди, никоҳланмайди ва совчи қўймайди», дедилар», деганини эшитганман».

Бешовларидан факат Имом Бухорий ривоят қилимаган.

Бу ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам эҳромдаги кишига никоҳ бобидаги уч нарсани ман қилмоқдалар:

1. Никоҳланиш.

Эҳромдаги кишига никоҳдан ўтиши мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, хотин олиш ёки эрга тегиши мумкин эмас. Ҳанафийлар «Ақди никоҳ қиласа бўлади, аммо бирга яшамай туради», деганлар.

2. Никоҳлаш.

Эҳромдаги киши бошқа бировнинг никоҳида вакил, валий ёки шунга ўхшаш никоҳ ишларида ҳал қилувчи киши сифатида иштирок этиши мумкин эмас.

3. Совчи қўйиш.

Эҳромдаги киши бирор аёлга уйланмоқчи бўлиб, ўзи гап очиши ва ёки биров орқали муомала қилиши мумкин эмас. Уламоларимиз «Эҳромдаги кишининг совчи қўйиши макрух», деганлар.

- عَنْ أَبْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: تَزَوَّجَ النَّبِيُّ مَيْمُونَةَ وَهُوَ مُحْرِمٌ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эҳромдалик холларида Маймунага уйландилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Ҳанафийлар аввал ҳам айтиб ўтилганидек, айнан ушбу ҳадиси шарифни ҳужжат қилиб, «Эҳромдаги киши ақди никоҳ қиласа бўлади, аммо бирга яшамай туради», деганлар.

- وَقَالَ سَعِيدُ بْنُ الْمُسَيْبَةِ: وَهُمْ أَبْنُ عَبَّاسٍ فِي ذَلِكَ لِإِنْفِرَادِهِ بِهِ عَنْ رُوَاةِ الْحَدِيثِ الَّذِينَ مِنْهُمْ أَبُو رَافِعٍ وَمِنْهُمْ نَفْسُهُمْ فَقَدْ قَالْتُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: تَزَوَّجَنِي رَسُولُ اللَّهِ وَنَحْنُ حَلَالُنَا بِسَرْفٍ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدُ وَمُسْلِمٌ وَالْتَّرمِذِيُّ.

Саъид ибн Мусайиб розияллоху анху:

«Ибн Аббос бу борада хато қилган. У бу ҳадиснинг ровийларидан ёлғиз ўзи ажраб чиқсан. Уларнинг ичига Абу Рофеъ ва Маймунанинг ўзи ҳам бор. У киши:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Сарифда менга уйланганларида иккимиз ҳам эҳромда эмас эдик», деган».

Абу Довуд, Мустим ва Термизий ривоят қилганлар.

Сариф Маккаи мукаррамадан Фотима водийсига қараб юрганда олти мил узоклиқдаги жойнинг номи.

Абу Рофеъ розияллоху анху Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматчилари бўлиб, у зотнинг Маймуна онамизга уйланышларида элчилик қилганлар.

Демак, Маймуна онамизнинг эътироф этишларича, Пайғамбаримиз алайхиссалом ул муҳтарамага уйланганларида икковлари ҳам эҳромда бўлмаганлар.

- وَلَفْظُ التَّرْمِذِيِّ: تَزَوَّجَهَا النَّبِيُّ وَهُوَ حَلَالٌ وَبَنَى بِهَا حَلَالًا وَمَاتَتْ بِسَرِفٍ وَدُفِنتَ بِالْمَكَانِ الَّذِي دَخَلَ بِهَا فِيهِ.

Имом Термизийнинг лафзида:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга эҳромсиз холларида уйланганлар, эҳромсиз холларида қўшилганлар. У киши розияллоху анхо Сарифда вафот этганлар ва у зот билан бирга бўлган жойга дағн қилинганлар», дейилган.

Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маймуна онамизга ақди никоҳ қилганларида ҳам, у кишининг олдилариға кирганларида ҳам эҳромда бўлмаганлар.

«Ҳадис ва ҳадёт» китобидан олинди.

АЛЛОХ СУБҲАНАХУ ВА ТАОЛОГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ ҲАҚИДА

Савол: Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога иймон келтириш қандай бўлади?

Жавоб: Бу Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло жамики камолот сифатлар ила сифатланган, жамики нуқсон сифатларидан покланган, деб эътиқод килишимиздир.

Савол: Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога муфассал (батафсил) иймон келтириш қандай бўлади?

Жавоб: Бу Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло борлик (Карамли пайғамбарлар алайхимуссалом Аллоҳ таоло ҳақидаги шакдан таажҷубланганлар. «Расуллари уларга: «Осмонлару ернинг йўқдан бор килувчиси бўлмиш Аллоҳ ҳақида шак борми?» дедилар» (*Иброҳим сураси, 10-оят*). Бу уларни инкор қилиш, гапларидан таажҷубланшидир. Аллоҳ ҳар бир зохирдан хам зохирроқдир. Бас, Унда шак йўқ. Коинотдаги нозик низом Аллоҳ таолонинг борлигига ва ягоналигига далолат қиласи), қадимлик, бокийлик, кейин пайдо бўлганларга мухолифлик, азалдан борлик, ягоналик, тириклиқ, илм, кудрат, ирова, эшитиш, кўриш, гапириш ила сифатланган деб, Уни тирик, билувчи, қодир, ирова килувчи, эшитивчи, кўрувчи, гапиравучи, деб эътиқод килишимиздир.

Савол: Аллоҳ таолонинг борлигига эътиқод қилиш қандай бўлади?

Жавоб: Бу Аллоҳ таолони мавжуд деб ва мавжудлиги Ўзидан, бирор нарса воситасида эмас деб, Унинг борлиги вожибdir, унга йўқлик йўлиқиши мумкин эмас, деб эътиқод килишимиздир.

(Ҳақ, Нур, Зохир ва Ботин сифатлари Аллоҳ азза ва жалланинг борлик сифатларидандир.

Ҳақ, яъни Аллоҳ таоло ҳақиқатда сабитdir, ўзгармайди, зиддияти йўқ.

«Бас, мана шу Аллоҳ сизнинг ҳақ Роббингизdir. Ҳақдан сўнг нима бўладир? Магар залолат бўладир. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасиз?» (*Юнус сураси, 32-оят*)

Нур, яъни Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг борлиги ақлий далиллар ила зохирdir, Яна албатта, Аллоҳ бошқа нарсаларни зохир қилувчиidir. Ўзининг нури ила назар солувчиларга йўқдан бор қилган



нарсаларининг маҳфий томонларини қашф қиласи.

«Аллоҳ осмонлар ва ернинг Нуридир» (*Нур сураси, 35-оят*).

Зоҳир, яъни Аллоҳ ақлий далил ила борлиги зохир Зотdir. Ҳар бир нарса Аллоҳ таолонинг борлигига далолат қиласи ва уни маълум қиласи.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен Зоҳирсан, Сенинг устингда бирор нарса йўқдир», деганлар. (*Муслим ривоят қилган*.)

Ботин, яъни У Зот таоло ҳақиқатда Ўзи Ботинdir, уни Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Чунки инсоннинг хис қилувчи аъзолари Илоҳий Зотнинг тасаввур қилишдан ожиздир.

Аллоҳ таоло айтади:

«У Аввалдир, Охиридир, Зохирдир, Ботиндир ва У ҳар бир нарсани ўта билувчиидир» (*Ҳадид сураси, 3-оят*).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг ҳалқи ҳақида тафаккур килинглар, Аллоҳ ҳақида тафаккур қилманглар», деганлар (*«Саҳиҳ ал Жомиъ»*).

«Ал жаваҳирул қаламия фи ийзоҳи ақийдатил исламия», Шайх Зохир ибн Салиҳ Жазоирий

БАДАЛ ХАЖ

Ўзи ожиз бўлган киши бошқага ҳаж қилдирса жоиз ва унинг номидан воқеъ бўлади. Агар ожизлиги ўлимигача давом этса ва фақат унинг номидан ният қилинганд бўлса.

Эҳсор сабабли вожиб бўлган жонлик бадал ҳажга буюрганинг, қироннинг жонлиғи ҳаж қилувчининг ҳисобидан бўлади. Бироннинг номидан ҳаж қилувчи Арафотда туришдан олдин жинсий алоқа қилиб кўйса, сарф-харажатни тўлаб беради. Бироннинг номидан ҳаж қилувчи йўлда ўлиб қолса, у ўлган жойдан эмас, амр қилувчининг уйидан қолган молнинг учдан биридан қайта ҳаж қилинади. Ҳадий учун қурбонликка тўғри келадиган ҳайвондан бошқаси жоиз эмас. Фақат нафл, таматтуъ ва қирон ҳадийсидан эгаси еса бўлади. Таматтуъ ва қирон ҳадийсидан ейиш сўйиш қунларига хосдир. Иккисидан бошқаси у қунларга хос эмас.

Барча ҳадийлар Ҳарамда сўйилади. Унинг жабдуқлари ва арқони садака қилинади ва кассобнинг ҳаки ундан берилмайди. Ҳадийни зарурат бўлмаса, минилмайди ва соғилмайди. Ҳалокатга учраган ёки қаттиқ майиб бўлган вожиб ҳадий ўрнига бошқаси бадал қилинади. Майиб бўлгани ўзига қолади.

Арафотда вуқуф қилганлик хақида ўз вақтида ва вақтидан аввал гувоҳлик берсалар, гувоҳликлари қабул қилинади. Вактидан кейин гувоҳлик берсалар, қабул қилинмайди.

«Эҳсор» – тўсилиш, ушланиб қолиш. Истилоҳда ҳожи ёки умрачининг душман ёки касаллик, ёхуд бошқа сабабга кўра ибодатни адо эта олмай қолишини англатади.

«Қирон» – яқинлаштириш, бирлаштириш. Ҳажнинг турларидан бўлиб, ҳаж ойларида ҳаж ва умрани ният қилиб, бир эҳром боғлаш.

Бадал ҳаж қилдирганидан кейин ожизлиги кетиб, ўзи ҳаж қилишга қодир бўлиб қолса, ўзи ҳаж қилиши фарз бўлади. Шунингдек, бадал ҳаж қилаётган шахс фақат битта одамнинг номидан ният қилиши лозим.

Исломда ибодатлар уч хил бўлади:

1. Соғ бадан ибодати.

Масалан, намоз, рўза қаби ибодатларда Аллоҳ



таолога бўйсуниш, сифиниш инсоннинг бадани, рухи билан бўлади. Бунда молга, пулга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Бундай бадан ибодатлари ҳар бир инсонга бирламчи фарз (фарзи айн) бўлади. Уни ҳар бир инсон ўзи бажармоғи лозим, бироннинг ўрнига бошқа бирор намоз ўқиб ёки рўза тутиб беролмайди.

2. Соғ молиявий ибодатлар.

Ушбу ибодатга закот ва садака киради. Бу ибодатлар инсоннинг молу пулинин сарфлаши билан амалга ошади. Бунда ўша мол оловчи кишининг фойдаси қайд қилинган. Бундай молиявий ибодатларни бир одамнинг номидан иккинчи одам адо этса бўлади. Мисол учун, мол эгаси закотни ҳисоблаб чиқариб, ҳақдорларга беришни бошқа бир кишидан илтимос қилса бўлади. Ёки бирорвга пул бериб, унинг номидан садака қилиб қўйишни сўраса бўлади.

3. Бадан ва мол аралашган ибодат.

Ҳаж шундай ибодат бўлиб, унда инсон машақкат ила сафар қиласи, ибодатларни жон койитиб, ҳаракат қилиб бажаради. Айни чоғда, пул мол ҳам сарфлайди.

«Бундай ибодатларни бироннинг ўрнига бошқа киши адо қилса бўладими?» деган саволга турли мазҳабларда турли фикрлар айтилади.

Ханафий мазҳаби уламолари ҳажни бироннинг ўрнига бошқа одам адо этса бўладиган ибодатлардан, деганлар. Аммо бунинг бир неча шарти бор:

1. Кишининг ҳаж қилишдан ожизлиги умр бўйи давом этадиган бўлса. Мисол учун, тузалмайдиган касал ёки қўзи ожиз бўлса.

2. Ҳажга йўллаётган одамнинг номидан ният қилиш шарти. Яъни, бораётган одам ўзининг номидан эмас, балки кимнинг номидан ҳаж килаётган бўлса, ўшанинг номидан ният қилиши шарт.

3. Ҳаж учун сарфланаётган маблагнинг кўп қисми номидан ҳаж қилинаётган кишини бўлиши керак, агар у васият қилган бўлса. Васият қилмаган бўлса, бошқа одамнинг маблаги билан ҳам бўлаверади.

4. Бадал ҳажини бажарувчи кишини ижарага олинган, деб шарт қилмаслик керак.

5. Номидан ҳаж қилинаётган одамнинг шартини бузмаслик лозим. Мисол учун, ифрод ҳаж қилишни тайинлаган бўлса, қиронга ёки таматтуға ният қилиб бўлмайди.

6. Фақат бир ҳажни ният қилиш шарт. Яъни, ҳам у одамнинг номидан, ҳам ўзининг номидан ният қилиб бўлмайди. Ёки бирйўла бир неча киши номидан бадал ҳажи қилиб бўлмайди.

7. Хар икки тараф, яъни буюрувчи ҳам, адо этувчи ҳам мусулмон ва оқил бўлиши шарт. Бирортаси кофир ёки мажнун бўлса, жоиз эмас.

8. Бадал ҳажини адо этувчи киши эсини таниган бўлиши керак. Нарсанинг фарқига бормайдиган ёш бола бўлса, ўтмайди.

9. Бадал ҳажини адо этувчи киши ўзининг зиммадаги ҳаж фарзини (бу мавсумдан аввалги мавсумларда) адо этган бўлиши керак.

عَنْ بُرِيَّةَ قَالَ: جَاءَتِ امْرَأَةٌ إِلَى النَّبِيِّ فَقَالَتْ: إِنَّ أُمِّيْ مَاتَتْ وَلَمْ تَحْجُّ أَفَأَحْجُّ عَنْهَا، قَالَ: نَعَمْ. رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَمُسْلِمُ.

Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Онам ҳаж қилмай туриб ўлиб қолди. Унинг номидан ҳаж қилайми?» деди.

«Ҳа! Унинг номидан ҳаж қил!» дедилар.

Термизий ва Муслим ривоят қилишган.

عَنْ أَبْنَ عَبَّاسٍ أَنَّ رَجُلًا أَتَى النَّبِيَّ فَقَالَ: إِنَّ أَبِي مَاتَ وَعَلَيْهِ حَجَّةُ الْإِسْلَامِ أَفَأَحْجُّ عَنْهُ؟ قَالَ: أَرَأَيْتَ لَوْ أَنَّ أَبَّاكَ تَرَكَ دِينًا عَلَيْهِ أَتَقْضِيهِ عَنْهُ؟ قَالَ: نَعَمْ قَالَ: فَاحْجُّ عَنْ أَبِيكَ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالشَّافِعِيُّ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Отам ўлди ва унинг зиммасида Ислом ҳажи бор эди. Унинг номидан ҳаж қилайми?» деди.

«Айт-чи, агар отанг қарз қолдирганида, уни адо килармидинг?» дедилар.

«Ҳа», деди.

«Бас, отангнинг номидан ҳаж қил», дедилар».

Насаий ва Шофеъий ривоят қилишган.

Ушбу ҳадиси шарифлар бадал ҳаж қилишга рухсат борлигига далилdir.

Эҳсор сабабли вожиб бўлган жонлик бадал ҳажга буюрганинг, қироннинг жонлиги ҳаж қилувчининг ҳисобидан бўлади.

Чунки эҳсор, яъни ҳаж қилишдан тўсилиш, ушланиб қолиш ҳажга буюрганинг сабабидан бўлади. Қирон қилган одам ўзига икки ибодатни адо этиш неъмати насиб этганига шукр учун жонлик сўяди.

Бироннинг номидан ҳаж қилувчи Арафотда туришдан олдин жинсий алоқа қилиб қўйса, сарф-харажатни тўлаб беради.


Чунки бу ҳолатда ҳаж фосид бўлади ва амр қилувчининг мақсади ҳосил бўлмайди.

Бироннинг номидан ҳаж қилувчи йўлда ўлиб қолса, у ўлган жойдан эмас, амр қилувчининг уйидан қолган молнинг учдан биридан қайта ҳаж қилинади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Кифоя» китобидан олинди.

Ота-она буюк неъмат. Уларни тириклиларида ҳұрмат қилиш, әзізлаш, ҳақларини адо этиш ҳар бир фарзанд учун вожибидір. Тириклик өнгларыда ота-онасинг қадрига етмасдан, дунёдан ўтиб кетғанларидан кейин афсуснадомат чекиб, қалби ўрганғанлар қанча! Ота-онанинг фарзанддаги ҳақлары шу қадар күпки, вафот этгандаридан кейин ҳам улар тугамайды. Дунёдан ўтган ота-оналарнинг ҳақларига дуода бўлиш, яқин кишиларини икром қилиш, қарзлари бўлса, адо этиш, уларнинг номидан ҳажжи бадал қилиш кабилар шу жумладандир.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:



ОТА-ОНА НОМИДАН ҲАЖЖИ БАДАЛ ҚИЛИП

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи вассаллам: «Кимки ота-онаси вафот этганидан кейин у иккисининг номидан ҳаж қилса, унга дўзахдан озодлик ёзилади ва у иккисига ажрларидан бирор нарса камайтирилмай, тўлиқ ҳажнинг савоби берилади», дедилар» («Шубби иймон»).

Ота-онасига яхшилик қилган киши ушбу амали сабабли уларнинг ҳам, ўзининг ҳам гуноҳлари кечирилишига, дўзахдан озод килиниб, жаннатга дохил бўлишига эришар экан. Бу эса Исломнинг энг гўзал жихатларидан биридир.

Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи вассаллам: «Кимки ота-онаси номидан ҳаж қилса ёки у иккисининг қарзини тўласа, қиёмат куни Аллоҳ таоло уни аброрлар билан бирга тирилтиради», дедилар» («Муъжами авсат»).

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи вассаллам: «Кимки майит номидан ҳаж қилса, ҳаж қилувчига унинг ажрича ажр бўлади. Кимки рўздорни ифтор килдирса, унга унинг ажрича ажр бўлади. Кимки яхши ишга далолат қилса, унга уни қилувчининг ажрича ажр бўлади», дедилар» («Муъжами авсат»).

Барча уламолар вафот этгандар инсон дуо, истифор, садақа ва ҳаж каби баданий-молиявий ибодатлардан манфаатлар олишига иттифоқ қилишган. Аллоҳ таоло барчамизга ота-оналаримизга тириклик өнгларыда яхшиликлар қилиб, розиликларини ва дуоларини олишимизни насиб айласин. Бу дунёдан ўтганларидан кейин ҳам уларга садақа жория бўлишимизни насиб этсин!

Гулишода тайёрлади.

Савол-жавоб

Аёлларнинг ҳаж зиёрати мавзусида

Савол: «Аёлларнинг ҳаж зиёрати учун 45 ёшдан ўтгандан кейин маҳрам бўлиши шарт эмас», деган фатво Саудия Арабистонида чиқарилган экан. Шу фатво ҳакиқатан ҳам тўғрими?

Жавоб: Йўқ!

Ота-Онани ҳажсга юбориши

Савол: Ассалому алайкум, хурматли устоз. Бундай саволлар мендан олдин ҳам кўп берилган бўлса керак. Агар саволим ноўрин бўлса, олдиндан узр сўрайман! Онамнинг ёшлари 58 да, ҳаж сафарига боришга навбатлари келган. Пулларини тўлаб кўйгандан сўнг бир ҳажга борган одам: «Уларга маҳрам керак, агар маҳрамсиз борсалар, гуноҳ бўлади», дедилар. Отам соғлиқлари ёмонлиги сабабли боролмайдилар, онам отамнинг розилигини олган ҳолда кетяптилар, барибир гуноҳ бўладими? Агар саволим ноўрин бўлса, олдиндан яна узр сўрайман

Жавоб: Ҳа.

Курбонлик қилинган қўйни тақсимлаши

Савол: Ассалому алайкум! Сизга Аллоҳдан икки дунё саодатини сўраган ҳолда куйидаги саволни бермоқчиман: Курбон хайитида сўйилган қўйнинг гўштини кимларга берган яхши? Бизнинг оиласада гўштни аввал яқин қариндошларга (мухтоҷ бўлса ҳам, бўлмаса ҳам), қўшниларга ва бир-иккита муҳтоҷларга 1 кілар атрофида тақсимланади. Шу тарзда тақсимлаш жоизми ёки фақат муҳтоҷларга берган афзалми?

Жавоб: Сизлар тақсимлагандек тақсимлаш жоиз.

Тиланчиларга садақа бериши ҳақида

Савол: Тиланчликни касб қилиб олганларга нул бериши макрух деб эшитдим, шу тўғрими?



Лекин менинг уларга раҳмим келади, қандай йўл тутай?

Жавоб: Уларга бергандан кўра, сўрашни ўзига эп кўрмайдиган бошқа камбағалларга берган афзал.

Эр ва аёл жамиятда

Савол: Ассалому алайкум, хурматли Шайх жаноблари. Эр ва аёл кўча-кўйда бир-бирининг қўлини ушлаб ёки эр аёлининг билагидан ушлаб юриши мумкин эмасми?

Жавоб: Кўча-кўйда бундай юриш беодоблик бўлади.

Хатна

Савол: Ассалому алайкум, хурматли Шайх ҳазратлари. Қиз болаларни ҳам хатна қилиш мумкинми, бу нарса ҳакиқатда борми?

Жавоб: Бу нарса бизда йўқ.

Саломга алик

Савол: Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Сизнинг қаламингизга мансуб «Кифоя» китобининг 3-жуз, 366-бет, 10-бандида «Бегона қизларга салом бериш мақруҳdir», деб ёзилган экан. Саволим шундан иборатки, бегона қиз салом берганда алик олиш ҳам макруҳми ёки алик олиш керакми?

Жавоб: Ҳолатга қаралади. Фитнадан кўрқилса, алик олинмайди.

*«Зикр аҳлидан сўранг» китоби
саҳифаларидан олинди.*

УММУ КУЛСУМ РОЗИЯЛЛОХУ АНХОНИНГ ФАЗЛЛАРИ

Умму Кулсум розияллоху анҳо Руқайядан бир оз ки-чиқроқ эди. Улар бирга ўсидилар. Оналари билан бирга Исломни қабул қилдилар. Абу Лаҳаб уларни икки ўғли Утба ва Утайбага сўратганида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам рози бўлган эдилар.

Шундай қилиб, Умму Кулсум розияллоху анҳо опали-ри Руқайяга кўшилиб, келажакда ширкнинг кўзга кўрин-ган арбоби, Исломнинг ашаддий душмани Абу Лаҳаб ва унинг хотини Ҳаммолатул Ҳатобга келин бўлди. Аммо мушрик эри Утайба Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва-салламга душманлик қилиш ниятида уни талок қилди. Утайба Умму Кулсум розияллоху анҳони талок қилгани етмаганидек, у зотни ҳақорат қилиб сўқди. Шунда Расу-лурлоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳим, бунга Ўз итларингдан бирини мусаллат килгин», деб дуо қилдилар. Аллоҳ таоло Пайғамбар сол-лаллоху алайҳи васалламнинг бу дуо-ларини қабул қил-ди ва Утайбани Шомда шер еб кетди.

Эрларидан ажраган Умму Кулсум розияллоху анҳо ота-оналарнинг уйига қайтиб, уларга ёрдам бериб, ки-чиқ сингиллари Фотимага қараб юрдилар. Ота-оналари билан бирга Умму Кулсум розияллоху анҳо мушриклар-нинг барча озорларини, душманликларини баҳам кўрди-лар. Мушрикларнинг қамалида ҳам бирга жафо чекди-лар. У киши оналарининг вафотларидан кейин оталарига ва сингиллари Фотимага қарадилар. Умму Кулсум Фоти-мани олиб, Зайд ибн Хориса розияллоху анхунинг ҳам-роҳлигига ҳижрат қилдилар.

Ҳижрий иккинчи санада опалари Руқайянинг вафо-тидан кейин Умму Кулсум Усмон ибн Аффон розиялло-ху ан-ҳуга турмушга чиқдилар. Бу ишнинг тафсилоти қу-йидагича бўлган эди: Умар розияллоху анҳу Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларига келиб, қизлари Ҳафсани Усмон ва Абу Бакр розияллоху анхуларга бермокчи бўлганларини, уларнинг бош торт-ганларини айтиб, шикоят қилгандек бўлдилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у кишига:

«Ҳафсага Усмондан яхши киши уйланажак, Усмон Ҳафсадан яхши кишига уйланажак», дедилар. Умму Кулсум розияллоху анҳо бу гапни эшитганларида гап-нинг бир учи ўzlарига қаратилганини англаб етдилар.

«Усудул-Ғоба», «Мухтасари тарихи Димашқ» ва бошқа китобларнинг соҳиблари Абу Ҳурайра розиялло-ху анхудан ривоят қиласидилар:

«Усмон ўз аёли – Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва-салламнинг қизлари Руқайя вафот этганда йиглади. Ра-сулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Сени нима йиглатмоқда, эй Усмон?» дедилар.

«Сиздан қудачилик алоқам узилиб колганига йигламоқдаман», деди Усмон.

«Мана, Жаброил алайхиссалом менга синглисини никоҳлаши ҳақидаги Аллоҳ азза ва жалланинг амрини етказмокда», дедилар у зот.

Бошқа бир ривоятда:

«Сенга унинг синглиси Умму Кулсумни унинг маҳ-рига ўхашаш маҳр ва муомаласига ўхашаш муомала шарти илиа никоҳлаб беришим ҳақидаги», дейилган экан.

Ибн Асокир Оиша розияллоху анҳодан келтирган ри-воятда қуидагилар айтилади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қизлари Умму Кулсумни турмушга чиқарғанларида Умму Айманга:

«Қизим Умму Кулсумни тайёрла, уни Усмоннига тушириб олиб бор. Унинг олдида дуфф чалиб бор», дедилар.

У айтилганларни бажо келтириди. Уч қундан ке-йин Набий соллаллоху алайҳи васаллам келиб:

«Қизим, хожангни қандай кўрдинг?» дедилар.

«Яхши хожа», деди у.

«У бобонг Иброҳим ва отанг Мухаммад алайхисса-ломга жуда ҳам ўхашадир», дедилар у зот.

Ибн Асокир Умму Айашдан ривоят қиласиди (У Расу-лурлоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг қизларининг чўриси эди):

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг «Мен Умму Кулсумни Усмонга осмондан келган ваҳий илиа никоҳлаб бердим», деганларини эшитдим».

Умму Кулсум розияллоху анҳо ҳазрати Усмон розиял-лоху анҳу билан бирга олти йил турмуш қиласидилар.

Ҳижрий тўққизинчи сананинг Шаъбон ойида Умму Кулсум розияллоху анҳо бемор бўлиб қолдилар. Бир куни Бомдод чоғида у киши жон таслим қилишга ҳозир-лик кўра бошладилар. Буни сезган ҳодима Умму Айаш масжидга одам юборди. Ҳазрати Усмон, у кишининг ор-тидан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бир неча саҳоба билан етиб келишди. Умму Кулсум розияллоху анҳо меҳрибон оталари ва вафодор эрларига охирги на-зарларини солиб туриб, вафот қиласидилар.

Умму Кулсум розияллоху анҳони Асмо бинти Умайс, София бинти Абдулмуттоблиб ва Умму Атийя Ансория-лар ювдилар. Жанозаларини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзлари ўқидилар ва Бақийъ қаб-ристонига дафн қиласидилар.

Аллоҳ таоло Умму Кулсум розияллоху анҳодан рози бўлсин!

Дилафруз тайёрлади.

Иллатларимиз кўп, улардан бири – атрофимизда тўлиб-тошиб, хор бўлиб ётган савобларни ердан кўтармоқлик, кўра олмоқликдир.

Мен Раънохон исмли бир аёлни билардим. Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. У киши жуда шириңсўз, меҳрибон ва энг муҳими, жонкуяр инсон эдилар. Ёшликларини эслолмайман-у, аммо ёшлари етмишга яқинлашган пайтларда ҳам барчанинг хизматига шай турардилар. Бу аёл ҳам дунёвий, ҳам диний хизматда маҳкам эдилар. Бирор нарсада эҳтиёжи бор инсон ҳакида хабар топсалар, ҳаммадан олдин ёрдам қўлини чўзишга бел боғлардилар.

Ўзлари бой эмасдилар, лекин борларини ҳамма билан бўлишардилар. Мен ҳар доим улардан ўрнақ ва ибрат олишга ҳаракат қиласдилар. Сизларга ҳам ибрат учун у кишининг ҳаётларидан ушбу ҳикояни сўзлаб бермокчиман.

Раънохон опанинг тўрт ақа-укалари ва битта сингиллари бор эди. Ақа-укаларнинг бирини ёшлигига, қишининг айни чилласида совуқ айвонда чўмилтиришади. Оқибатда миёсининг ярми фалажланиб, касалликка йўлиқади. Бемор фақат овқатланиш ва юриштуришни эплай оларди. Кийимларини ечиб-книйш, чўмилиш ва бошқа барча ишларда унга


кўмакчи керак эди. У худди ёш бола сингари парваришга муҳтож бўлиб яшарди.

Оналари вафот этгач, хастаҳол ака кичик уқасининг қўлида қолди. Аввалига Раънохон опа кунда-кунора акасидан хабар олиб турдилар. Кейин эса «Менинг ҳам акам-ку, мен ҳам қарашим керак», деб турмуш ўртоқларининг розилиги билан касал акаларини ўз уйларига олиб келдилар. Замонавий тиббиёт тилида ўта қўпол тарзда «жинни» деб аталадиган бу хаста bemorрга қараш осон эмасди. Чунки у гапирмас, эҳтиёжларини айта олмас, фақат «ҳа» ва «ойи» деган сўзларни талафуз килишни биларди, холос. У одамни бирор ишни қилишга кўндириш жуда қийин эди. Чўмилтириш ёки соқолини олиш каби ишлар учун анча тер тўкишга тўғри келарди.

Хуллас, йиллар кетидан йиллар ўтди. Ака гоҳ ука никида, гоҳ Раънохон опаникода кун кечирди. Кунлардан бир кун Раънохон опанинг укалари ошқозон

саратонига учради ва акага қараш ўз-ўзидан батамом Раънохон опанинг ўзларига колиб кетди. Ёшлари улуғлигига қарамасдан, бу аёл ўзларидан ҳам катта ёшли bemor акаларини ювиб-тарадилар, парваришладилар. Баъзан «Жуда куйинаверманг, ҳозир ўзини эплай

ҲАЖНИНГ ЎЗИКЕЛДИ



оладиганлар ҳам бунчалик покиза юришмайди», десак, «Мен эртага Аллоҳнинг олдига борсам нима деб жавоб бераман, қиёматда ота-онамга қайси юз билан қарайман? Ахир акам менга омонат-ку!» дердилар. Бу аёлнинг сабру бардошига қойил қолмай иложингиз йўқ эди.

Кеч бўлса-да, Раънохон опамиз илм олишга ҳаракат қилдилар. Шу ёшда ҳарф ўрганиб, Куръони каримни ўzlари ўқий бошладилар. Улар Исломнинг барча арконларини тўла-тўқис адo этишга, силаи раҳмни ўrniga қўйишга ҳаракат қилар ва бунинг уddасидан чиқардилар. Бирга илм олган дугоналари «Ҳажга билла борамиз», деб ҳар сафар у кишини кўндиришга ҳаракат қилишганда, «Йўқ, мен ҳажга боролмайман», дердилар-у, «Нега?» деган саволга жавоб бермасдилар.

Бир куни мен Раъно опага: «Нега ҳажга бормайсиз? Пул қерак бўлса, топамиз», дедим. Уларнинг жавобларидан кўзларим ёшга тўлди: «Аввало ҳажга борсам, ўзимнинг пулимдан бораман. Пулим бор, йўқ эмас. Йиғсан, бир йилда боришим мумкин. Лекин касал акамни кимга ташлаб кетаман? Менга зор-интизор бўлиб ўтирадиларми? Акам менга ўрганганлар. Бошқалар уларнинг эркаликларини кўтаролмайди, нима овқатни яхши қўрадилар, қачон нима иш қилгилари келади, буни уларга тушунтиришлари қийин. Мен уларнинг нима хоҳлаётганларини нигоҳларидан тушуниб оламан. Акамни ташлаб кетолмайман. Аллоҳ кечирсин», дедилар.

Вақти-соати келиб, Раънохон опанинг дугоналари, устозлари ҳажга кетишли. Ўша кунларнинг бирида у киши тушларида ҳажга борганларини, Байтуллоҳга қараб намоз ўқиётганларини кўрибдилар. Жуда хурсанд бўлиб уйғонибдилар. Устозлари ҳаждан қайтгач, тушларининг таъбини сўрабдилар. Устоз эса: «Сиз ҳам биз билан бирга ҳажга бориб, ҳаж қилганлик савобини олибсиз! Муборак бўлсин! Ҳажни уйингиздан топибсиз», дебди.

Раънохон опа бўлган гапни айтиб берар эканлар, «Ҳажга бормасам ҳам, ҳажнинг ўзи келди», деб йиғлаб юбордилар. Бу қувонч кўз ёшлари эди...

Орадан йиллар ўтиб, акалари, бир йилдан кейин ўzlари бу дунёни тарқ этишли. Улардан кейин ҳали бундай инсонни учратмадим.

Таъзия билдириш учун келганларнинг кети узилмади. Бир насроний аёл: «Мен ҳаётимда бу каби меҳрибон инсонни кўрмаганман, бундан кейин ҳам кўрмасам керак», дея ҳаммани йиғлатди. Ёнида кичкинагина ўғилчаси билан келган маҳалладош сут сотувчи аёл ҳам узоқ вақт кўз ёшини тия олмади. Болакай ҳам йиғлади, биз ҳам йиғладик... Аёл марҳуманинг ҳаққига тиловат қилиб бўлгач, яна бўзлаб-бўзлаб йиғлади. Маълум бўлишича, Раъно опа улардан ҳар куни сут сотиб оларканлар, кетишаётганда болакайнинг кўлига албатта бирор ширинлик бериб жўнатарканлар.

Яқинларига кўрсатган меҳр-оқибатлари, силаи раҳмлари, атрофдагиларга бўлган эътиборлари, иншааллоҳ, бу аёлга ҳаж қилганлик савобини тақдим этган бўлсин, омин!

Атрофимиз савобларга, эзгуликларга тўла. Лекин ожиз кўзларимиз факат рақамлар билан белгиланган ибодатларнинг кўради, холос. Унутмайликки, биз билмаган яширин ибодатларни, яширин меҳнатларни, мижжасиз ўтган тунларни Аллоҳ билувчидир!

Орамизда Куръон хофизи бўлганларимиз бор, лекин афсуски, улар динимизнинг асл максадини тушунишмайди. Пора-пора Куръонни ёд олганлар бор, лекин тиллари ғийбатлар билан банд. Ҳар биримиз кимнидир нимададир айблашга интиламиз... Хуллас, ўзимизни ўзимиз гуноҳлар ботқоғига ботиришдан чарчамаймиз.

Аллоҳ таолодан барчаларимизга иймон саломатлигини ва Аллоҳнинг Ўзидангина ҳаё килиш баҳтини сўраб қоламиз.

Дарвоқе, сиз ўқиган ушбу ҳикоянинг қаҳрамони менинг ёлғизгина холам бўладилар. Сизлардан у кишининг ҳақларига дуолар сўраб қоламан. Аллоҳ барчамизнинг икки дунёмизни саодатли қилсин!

Умму Муҳаммад Билол тайёрлади.

ЗУЛХИЖЖА ОЙЛАРИДА ЮЗ БЕРГАН МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

(Зулхижжаса уруши ҳаром қилинган тўрт ойининг биридир)

Хижратдан аввалги 8-йилнинг охири, зулхижжа ойи (нубувватнинг 6-йили / мил. 615 йил, сентябрь):

– Ҳамза ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳу мусулмон бўлди;

– Уч кундан сўнг Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу мусулмон бўлди ва Форук (хақ билан ботилни ажратувчи) деган ном олди;

– Маккадаги сахобаларнинг кўкракларига сал бўлса-да, шамол тегди;

– Курайш раҳбарияти Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни даъватдан тўхтатиш учун имкониятидаги бор нарсани беришга рози бўлиб, у зот билан келишиш ҳаракатига тушди, музокаралар олиб борди, хатто ибодат масаласида савдолашди ҳам;

– Бу уринишлар самара бермагач, яхудийлардан маслаҳат ҳам сўраб кўрди;

– Ой охирида Абу Толиб Бану Ҳошим ва Бану Мутттолиб уруғларини ўз жиянлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилишга чақирди, улар ҳам ўша пайтда қаттиқ ривожланган қариндош-уруғчилик ҳамиятидан келиб чиқиб, унинг таклифи ни қабул қилишди.

Хижратдан аввалги 3-йил, зулхижжа ойи (нубувватнинг 11-йили / мил. 620 йил, июль):

– Мадина ахолисидан биринчи бўлиб олти нафар йигит мусулмон бўлди.

Хижратдан аввалги 2-йил, зулхижжа ойи (нубувватнинг 12-йили / мил. 621 йил, июль):

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн икки нафар мадиналиқ ансорий сахобадан байъат олдилар (бу Ислом тарихида «Биринчи Ақаба байъат» деб номланган);

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам энг аввал мусулмон бўлган сахобалардан Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуни Мадинаға муаллим қилиб жўнатдилар.

Хижратдан аввалги 1-йил, зулхижжа ойи, ташриқ кунларининг ўртаси (нубувватнинг 13-йили / мил. 622 йил, июнь ойининг охири):

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етмиш беш нафар ансорий сахобадан байъат олдилар (бу Ислом тарихида «Иккинчи Ақаба байъати», «Катта Ақаба байъати» ва «Байъатул ҳарб» номлари билан машхурдир);

– Байъат сўнгидаги ўз қавмлари устидан жавобгар бўлишлари учун ансорлардан ўн икки раҳбар сайланди.

Хижратдан аввалги 1-йилнинг охири, зулхижжа ойининг ўртасидан то ҳижрий 1-йил, сафар ойининг охирларигача (нубувватнинг 13-14-йиллари / мил. 622 йил, июлнинг бошидан сентябрь ойининг ўртасигача):

– Маккадаги сахобалар Мадинаға оммавий хижрат қилишиб.

Ҳижрий 2-йил, зулхижжа ойи (мил. 624 йил, май-июнь):

– Савик ғазоти бўлди.

Ҳижрий 5-йил, зулқаъда ёки зулхижжа ойи (мил. 627 йил, апрель ёки май):

– Абдуллоҳ ибн Атиқ розияллоҳу анҳу бошлигидаги беш кишилик сарийя Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг изнлари илиа Хайбарга бориб, Хайбар яхудийлари раҳбари Абу Рофиъ Саллом ибн Абул Ҳуқайкни ўлдириб қелишди (у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга озори кўп теккан, яхудий жиноятчиларнинг энг катталаридан, Аҳзоб ғазотининг ташкилотчиларидан бири бўлиб, турли жамоаларни мусулмонларга қарши урушга ундан, уларни озиқ-овқат ва пул-мол билан таъминлаган эди).

Ҳижрий 6-йил, зулхижжа ойининг охири (ёки 7-йил, мухаррам ойининг боши / мил. 628 йил, май):

– Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳудайбиядан қайтиб келганларидан сўнг Хайбарга юришқилишларидан бирнечакун олдин Ҳабашистон, Миср, Форс, Рум ва Умон¹ подшоҳларига ҳамда Баҳрайн, Ямома ва Дамашқ амирларига мактублар юбордилар.

¹ Умон подшоҳига мактуб Макка фатҳидан кейин юборилган, деган мулоҳаза ҳам бор.



Ҳижрий 7- йил, зулхижжа ойи (мил. 629 йил, апрель):

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам умрадан қайтиб келганларидан сўнг Абул Авжо розияллоҳу анху бошчилигидаги эллик кишилик сарийяни Бану Сулаймни Исломга даъват қилиш учун юбордилар.

Ҳижрий 8-йил, зулхижжа ойи (мил. 630 йил, март-апрель):

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғиллари Иброҳим түғилди (ва орадан ўн олти ой ўтиб, оламдан ўтди).

Ҳижрий 9-йил, зулхижжа ойининг боши (ёки зулқаъда ойининг охири / мил. 631 йил, март):

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анхуни мусулмонларга бош бўлиб ҳаж ибодатини адо этиш учун юбордилар.

Ҳижрий 10-йил, 4-зулхижжа (мил. 632 йил, 1 март):

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тонг пайтида, бомдод намозини ўқиганларидан сўнг ғусл қилиб, Ҳажжатул вадоъ қилиш ниятида Маккага кириб бордилар.

Ҳижрий 10-йил, 8-зулхижжа (мил. 632 йил, 5 март):

– Тарвия куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Минога йўл олдилар.

Ҳижрий 10-йил, 9-зулхижжа (мил. 632 йил, 6 марта):

– Арафа куни эрталаб кун чиққанидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Арафотга йўл олдилар (у ерда 100 мингдан ортиқ (114 минг, ё 124 минг, ёки 144 минг) сахобага хутба қилдилар);

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳақиқатан, мен сизларнинг ичингида бир нарсани қолдирдим, агар шу асосида амал қилсангизлар, ҳеч қачон адашмайсиз: у Аллоҳнинг Китоби(-Қуръон)дир»² ва «Эй одамлар, мендан кейин пайғамбар йўқ, сизлардан сўнг бошқа уммат йўқ. Огоҳ бўлинглар! Парвардигорингизга ибодат қилинглар, беш вақт намозингизни ўқинглар, бир ой Рамазон рўзангизни тутинглар, бойликларингизнинг закотини кўнгилдан чиқариб беринглар, Парвардигорингизнинг Байти(Каъба)ни ҳаж қилинглар ва бошлиқларингизга итоат қилинглар, Парвардигорингизнинг жаннатига кирасизлар»³, деган машхур насиҳатларини ушбу Ҳажжатул вадоъ хутбасида айтганлар;

– Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хутбадан фориғ бўлғанларидан сўнг у зотга Аллоҳ таолонинг Мойда сурасининг 3-ояти нозил бўлди: «Бу кун сизларга динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим».

Ҳижрий 10-йил, 10-зулхижжа (мил. 632 йил, 7 марта):

– Курбонлик куни, чошгоҳ вақти Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулранг ҳачирга минган холда сахобаларга яна хутба қилдилар.

Ҳижрий 10-йил, 12-зулхижжа (мил. 632 йил, 9 марта):

– Ташриқ кунларининг ярмида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Наср сураси нозил бўлди (у зот бу суранинг ўзлари учун ўлим даракчиси эканини тушундилар ва сура нозил бўлиши билан яна хутба қилдилар)...

Абдул Азим Зиёуддин тайёрлади.

2 Имом Муслим ривояти.

3 Ибн Жарир ва Ибн Асокирлар ривояти.

ҲАЖГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Ҳаж Исломнинг беш асосий устуни бўлган ибодатларнинг биридир. Кишилар умрлари давомида бир маротаба бўлса ҳам ҳаж қилишни орзу қила-дилар. Лекин бу улуғ ибодатни бажариш ҳамма-га ҳам насиб этмайди. Ҳажга бориб, ибодатларни амалга ошириб келганларни эса энг баҳтли инсонлар сарасига қўшсак бўлади. Ҳаж амалини бажа-риш мусулмон инсон учун улкан шараф бўлиши билан бирга, унга катта масъулият ҳам юклайди. Ҳажни нуқсонсиз бажарган, унинг барча руқнла-рини адо этган инсон гуноҳлардан покланган бў-лади. Бунинг савоби нихоятда каттадир.

Ҳажга бориш баҳтига мұяссар бўлиб турганлар, биринчи марта бораётганлари учун Маккай Мукар-рамани, Мадинаи Мунавварани тўлиқ тасаввур қила олмайдилар. Тўғри, у ерларни ойнаи жаҳон орқали кўрган, китобларда ўқиган, бошқалардан эшитган бўлишлари мумкин. Лекин илқ бор улуғ зиёратга отланган, мутлақо янги, ўзгача мұхитга мослашиб, ҳаж амалларини бажариш бўсағасида турган инсон учун бу маълумотлар камлик қиласди.


Аввало, биринчи марта ҳаж қилаётган киши сафар хақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, уни хис этиши керак. Бунинг учун унда етарлича илм бўлиши зарур. Етарли илмга эга бўлмаган одам у ерга борганида ўзини йўқотиб кўшиши, бу эса оз муддатда бажариши керак бўлган амалларига пуш-

тур етказиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун муқаддас жойга бориш баҳтига мұяссар бўлаётганлар мъянан ва рухан тайёрланишлари, ўз навбатида зарурий илмларни пухта эгаллаб, дуоларни ёд олишлари, Ҳаж борасидаги қўлланмаларни дикқат билан ўқишилари, боргандардан маслаҳат олиб, машқ қилишлари лозим бўлади. Мабодо озгина эъти-борсизликка йўл кўйсалар, амаллари нуқсонга учраши мумкин. Эҳтимол, бу уларнинг ҳаётлари давомида ҳаж ибодатларини бажариш учун берилган биринчи ва охирги имкониятдир.

Ҳаж ибодатида руҳий тайёргарлик билан бир қаторда жисмоний тайёргарлик ҳам катта аҳамиятга эгадир. У ерга борган инсон агар жисмоний тайёр бўлмаса, бунда ҳам амаллари нуқсонли бўлиш эҳтимоли бор. Ҳажда одатдагидек ҳаёт тарзидан ўзгача ўлароқ, ибодатларга катта ургу берилади. Кам ухланади, камроқ дам олинади, ақлий ва жисмоний ҳаракатлар кўп бўлади. Шу боисдан ҳам ҳаж зиёратига тайёрланишни сафардан анчагина олдинроқ бошлаш, ибодат, амаллар ва дуолар илмини му-каммал ўзлаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Аллоҳ учун ҳаж сафарини ихтиёр қилган мўмина ва муслималарга зиёратлари Ўзининг даргоҳида мақбул ва қабул ибодатлар бўлишини тилаб коламиз!

Назокат тайёрлади.



ЗУЛХИЖЖА ОЙИННИГ ДАСТЛАБКИ ҮН КУНИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ҳеч бир кундаги солиҳ амал Аллоҳ учун ушбу ўн кунчалик маҳбуб эмас», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод ҳам-а?!» дейишиди.

«Аллоҳнинг йўлидаги жиҳод ҳам. Магар, бир одам жони ва моли ила чиқса-ю, ундан бирор нарса қайтмаса, бундан мустасно», дедилар».

Сўзимизнинг аввалини саййидимиз Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг муборак сўзлари ила бошладик. Ҳар бир мусулмон албатта, барча амалларни у зот соллаллоху алайҳи васалламдан ўрнак олган ҳолда бажаришга интилмоғи лозим. Ушбу муборак ойининг дастлабки ўн кунининг ўзига хослиги шу кунларда килинадиган солиҳ амаллар Аллоҳ таоло учун энг маҳбуб амаллар экани сабабидандир. Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам «ушбу ўн кунчалик», деганларида зулхижжа ойининг дастлабки ўн кунини назарда тутдилар. Мулоҳаза қиласидиган бўлсак, ҳадиси шарифда бевосита рўза тутиш ҳақида сўз юритилмаган. Солиҳ амал килиш ҳақида айтилган. Нафл рўза тутиш эса энг солиҳ амаллардандир.

Саҳобаи киромлар бу сўзларни эшигтунларига қадар Аллоҳ учун энг маҳбуб амал Аллоҳнинг йўлида жиҳод килиш, деб юрганлари учун «Мазкур ўн кунликдаги солиҳ амал Аллоҳ ҳузурида Унинг йўлида килинган жиҳоддан ҳам маҳбуброқми?» деб сўрадилар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Зулхижжа ойининг биринчи ўн кунлигига килинган солиҳ амаллар Аллоҳнинг йўлидаги жиҳоддан ҳам афзал эканини тасдиқлаш билан бирга, биргина ҳолат бундан мустасно эканини таъкидладилар. У ҳам бўлса, Аллоҳнинг йўлида ўз моли ила жиҳодга чиқиб, шаҳид бўлган одамнинг иши устунлигидир.

Хабарларда келадики, Мусо алайҳиссалом шундай деб муножот қиласидар: «Аллоҳим! Даргоҳингда ҳожатими-ни раво қилишингни сўраб дуо қилган эдим, ижобат бўлмади. Баракотидан ҳожатим раво бўладиган бирор нарса бергин». Аллоҳдан ваҳий келди: «Эй Мусо! Зулхижжа ойининг ўн кунлигига «La ilaha illallah»ни қўп айтгин». Мусо алайҳиссалом деди: «Эй Парвардигоро, «La ilaha illallah» калимасини айтиш менга хосми ёки ҳар бир банданг учунми?» Бунга жавобан шундай ваҳий келди: «Ҳар ким зулхижжа айёмида «La ilaha illallah» калимасини бир марта айтса, тарозининг бир палласига осмон ва ернинг етти табакаси, иккичи палласига «La ilaha illallah» калимаси қўйилса, бу калима уларнинг ҳаммасидан оғир келади».

Расули акрам соллаллоху алайҳи васалламдан ворид бўлган яна бир ҳадисда айтилади.

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг тавбасини зулхижжа ойининг биринчи кунида қабул қиласди. Бу кунда ким рўза тутса, Аллоҳ таоло унинг барча гуноҳларини мағфират қиласди. Зулхижжанинг иккичи куни эса Юнус алайҳиссаломнинг тавбасини қабул қиласди ва у балиқнинг қорнидан эсон-омон ҳалос бўлди. Ҳар ким бу кунда рўза тутса, Аллоҳ таоло ўша бандасининг номи аъмолига бир йиллик ҳеч кам-кўстиз тоат-ибодатнинг савобини ёзади.

Зулхижжанинг учинчи куни Аллоҳ Закариё алайҳиссаломнинг дуосини қабул қиласди ва у зотга Яхё алайҳиссаломни ато этди. Ушбу кунда рўза тутганларнинг дуоларини Аллоҳ таоло мустажоб қиласди.

Зулхижжанинг тўртинчи куни Ийсо алайҳиссалом таваллуд топдилар. Бу кунда рўза тутганларни Аллоҳ таоло фақирикдан йироқ қиласди.

Зулхижжанинг бешинчи куни Мусо алайҳиссалом таваллуд топдилар. Ушбу кунда рўза тутганларни Аллоҳ таоло мунофиқликдан, иккюзламачиликдан асрайди.

Зулхижжанинг олтинчи куни эса Хайбар фатҳ этилган кундир. Кимки шу кунда рўза тутса, Аллоҳ таоло унга ҳурмат назари билан қарайди ва бундан кейин кийин синовларга қўймайди.

Еттингчи куни дўзах эшиклари ёпилади ва ўн кунлик тугамагунча очилмайди. Бу кунда рўза тутган бандага машаққатнинг уч эшиги ёпилади ва осойишталиктининг ўттиз эшиги очилади.

Зулхижжанинг саккизинчи куни «Талвия» деб аталади. Бу кунда рўза тутган бандага Аллоҳ таоло шундай мукофот ато этадики, унинг ҳисобини Ўзидан бошика ҳеч ким билмайди.

Зулхижжанинг тўққизинчи куни Арафа куни бўлиб, у кунда рўза тутган инсоннинг икки йиллик аввалги ва кейинги гуноҳлари мағфират қилинади.

Зулхижжанинг ўнинчи куни қурбонлик кунидир. Бу кунда ҳар ким қурбонлик қиласа, Аллоҳ таоло қурбонлик конининг ҳар қатраси баробарида унинг аҳли ва оиласининг гуноҳларини мағфират қиласди. Қурбонликнинг гўшидан таом тайёрлаб мусулмонларга берса ёхуд гўшти садака қиласа, унинг савоби Уҳуд тогидан ҳам оғирроқ келади».

Шундай экан, азиз ва муҳтарама опа-сингиллар! Савобларга бой ушбу фурсатни кўлдан бой бермай, Аллоҳ таолони рози қиласидиган амалларга шошилайлик. Аллоҳ ҳар биримизга ана шундай амалларни қилишимизда маддакор бўлсин.

Муяссар тайёрлади.

ҚУРБОН ҲАЙИТИ

Келибдир бизларга Қурбон ҳайити,
Хақиқий суннат у – Қуръон ҳайити.
Бугун Исломдаги эңг катта байрам,
Қалбимизда Иймон бақувват-бардам.

Иброҳим пайғамбар миллатиданмиз,
Йироқмиз мушриклар иллатидан биз.
Аллоҳнинг йўлида қурбон Исмоил,
Эшитган болалар ҳаммаси қойил.

Бизлар ҳам юрт учун барчамиз тайёр,
Қани, айтинг бизга, нима хизмат бор?

Дилафруз тайёрглади.



ШАҲАРЛАР ОНАСИ

ОМИНА ЗУЛХИЖОКА

БОЛАЛАР

Ассалому алайкум, қадрли болажонлар! Келинг, бугун сиз билан биз шаҳарлар онаси ҳақида сұхбатлашамиз.

Болажонлар, биз яхши биламизки, мусулмон киши бир кече ва кундузда беш маҳал намоз ўқиши керак. Бу беш вақт намозни дадажонимиз, акаларимиз масжидга чиқиб ўқишидади. Шу тариқа бир маҳаллада яшовчи, масжиднинг яқин атрофида турувчи кишилар ҳар куни намоз вақтларида масжидда кўришиб, бир-бирларининг холидан хабардор бўлиб туришади. Ҳафтанинг бир кунида, яъни жума куни узокроқ жойлардаги – кўшни маҳаллаларда, шаҳарнинг четида яшовчи кишилар ҳам Жума намозига келишади. Бир неча кунлаб кўришмаган кишилар ҳам ҳафтада бир келдиган мана шу байрам кунларида учрашиб, бир-бирларининг ҳолларидан боҳабар бўладилар.

Йилда бир марта эса дунёning турли жойларида яшовчи кишилар Ҳаж ибодатини адо этиш учун шаҳарлар онаси деб ном олган Макка шаҳрининг маҳсус жойига келадилар. Бугун сиз билан биз ана шу шаҳар ҳақида сұхбатлашамиз.

Макка шаҳри Арабистон ярим оролида жойлашган шаҳар бўлиб, бу шаҳар мусулмонлар учун энг севимли жойdir. Ушбу

шаҳарга боришни ҳар бир мусулмон орзу қиласи. Чунки бу шаҳарда бизнинг катта боболаримиздан бири бўлмиш Иброҳим ва Исмоил алайхиссаломлар қурган Қаъбатуллоҳ бор, кўплаб касалликларга даво бўлувчи зам-зам суви бор. Бу шаҳарнинг яна ҳам кишини ўзига чорлайдиган томони шундаки, унда бизнинг Пайғамбаримиз Мухаммад алайхиссалом туғилиб, умрларининг кўп қисмини шу ерда ўтказганлар ва у зот бу шаҳарга алоҳида меҳр қўйганлар. Пайғамбаримиз алайхиссалом кейинчалик Мадина шаҳрига бориб яшаганлар.

Ҳа, болажонлар, шунинг учун биз Макка ва Мадина шаҳарларини яхши қўрамиз. Аллоҳ насиб килса, сиз ҳам албатта бу шаҳарларда бўласиз. Маккага бориб, Байтуллоҳни зиёрат қилиб, Зам-зам сувларидан ичиб, Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам юрган йўллардан юрасиз ва У зот алайхиссалом умрларининг охирарида яшаган Мадина шаҳрига ҳам борасиз. У ерда Пайғамбаримиз алайхиссаломнинг масжидлари бор. Ўша масжидга кириб, намоз ўқийсиз. Бу масжидда ўқилган намознинг савоби жуда улуғ бўлади.

Ғиёсиоддин Муҳаммад Юсуф тайёрлади.



ҲАЖ ОДОБЛАРИДАН



Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм

Албатта, ҳаж амалининг ўзига хос одблари, умумий ахлоқий мезонлари бордир. Ҳар бир ҳожининг уларга амал қилиши, эътибор билан ёндашиши гўзал ишdir. Бу билан унинг ҳажи комил ва мабур бўлиб, амаллари мақбул бўлади, иншааллоҳ.

Бу одоб ва ахлоқлар куйидагилардан иборатdir:

1. Истихора ва истишора. Аввало, ҳожи Аллоҳ таолога истихора қилиши, шу билан бирга, аҳллари ва тажрибалилар билан ҳаж амали борасида маслаҳат қилиши яхши ишdir.
2. Аллоҳ таолога ниятда холис бўлиш. Яъни ҳожи ўз ҳажида риёни, обрўни, «ҳожи» деган номни қасд қилмайди, балки Аллоҳ таолога мухаббати, савобга рағбати туфайли Унинг иқобидан кўрккан ҳолда, ҳузуридаги даражасининг кўтарилишини, ёмонликларининг ўчирилишини умид қилиб ҳажга шайланади. Ихлос унинг амалларининг мадори бўлмоғи лозим. Аллоҳ таоло марҳамат қиласди: «Ҳолбуки, улар факат Аллоҳга, динни Унга холис қилган, бошқадан унга бурилган ҳолда ибодат қилишга, намозни тўқис адo этишга, зақот беришга буюрилган эдилар, холос. Ана шу тўғри(миллат)нинг динидир» (Байина сураси, 5-оят).

3. Тавбага шошилиш. Бу барча гуноҳлари учун чин дилдан тавба қилиш – тавбаи насуҳадир. Ҳожи гуноҳларига тавба қилиш билан бирга, ўзидан

хақдор бўлганлар ва аввал ундан зулм кўрганлар билан ҳам орасини ислоҳ қилиши керак бўлади. Бу унинг ҳажи қабул бўлиши, гуноҳларининг мағфират қилиниб, ёмонликлари яхшиликлар билан алмашиши учундир.

4. Ҳажга оид ҳукмларни яхшилаб ўрганиш. Ҳеч бўлмаганда умумий ҳукмларни ўрганиб олиши, тушунмаган жойларини сўраб олиши матлубdir. Агар улгурмаса, керакли китобларни жамлаб, ўзи билан бирга олиб кетсин.

5. Ўзига яхши бир ҳамроҳ танлаш. Шундай фозил ҳулқли ҳамроҳ бўлсинки, уни яхшиликка йўллаб, унугтанини эслатиб турсин, сухбатида фойдали илм бўлсин.

6. Раҳбарга бўйсуниш. Одатда ҳожилар жамоасига тажрибали раҳбарлар тайинланади. Ҳожилар эса Аллоҳга маъсиятдан бошқасида уларга итоатда бўлиши, улар билан ихтилоф қилишдан четда бўлиши, маслаҳат билан иш қилишлари лозим.

7. Ҳамроҳларига гўзал муомала. Жумладан:

- Ҳеч бир миннатсиз уларнинг хизматига киришиши;
- Кичик бўлса-да, ҳар қандай ёрдам учун ҳам миннатдорчиллик изҳор қилиш;
- Ҳамроҳлари билан уруш, низо ва

хусуматдан йироқда бўлиш, мабодо бирор нарса содир бўлса, узр сўрашда биринчи бўлиш;

- Ҳамроҳларига, хусусан заифларга ва аёлларга илтифотли бўлишга ҳаракат қилиш, уларни хурсанд қилишга ҳарис бўлиш;
- Ваъдасига вафоли бўлиш, аҳдида туриш;
- Уларнинг узрларини оғринмасдан қабул қилиш.

8. Ҳалол нафака. Ҳожи ҳажда сарфлаш учун ҳалол молидан олган пок нафақасини олиши керак, токи ҳажи Аллоҳ таоло ҳузурида бенуқсон бўлсин. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Албатта, Аллоҳ покдир, фақат пок нарсани қабул қиласидир» (*Муслим ривояти*).

9. Хотиржам бўлиш, олийжаноб бўлиш.

10. Ҳожи биродарларига ғамхўр бўлиш, жумладан:

- Уларга азият етишига йўл қўймаслик (мисол учун, овозини кўтариш билан);
- Улар учун қулайлик яратишга ҳаракат қилиш;
- Ўзи хоҳлаган, яхши кўрган нарсасини улар учун ҳам илиниш;
- Ўзи учун ёмон бўлган нарсани улар учун ҳам ёмон кўриш;
- Улардан бирор азият етса, сабр қилиш.

11. Тилни тийиш. Тилидан факат гўзал сўзлар чиқсін, фийбатдан, беҳуда сўздан, бекорчи сухбатлардан ўзини четда тутсин. Тортишув ва баҳсларга аралашмасин (агар ҳакни юзага чиқариш ва ботилини исботлаш учун бўлмаса).

12. Кўзни тийиш, яъни назарини пастлатиши. Ўзини Робби ҳузурида тургандек билсин. Бу билан ўзининг ҳам қалби ташвишдан холи бўлади, фитнаю синовлардан четда бўлади. Ҳажи эса бенуқсон бўлади.

13. Аёллар учун сатр ва иффат лозимdir. Улар эркаклар билан мuloқot қилишдан, табарруж(чиройларини кўз-кўз қилиш)дан, маҳрамсиз сафар қилишдан эҳтиёт бўлишсин.

14. Аллоҳ йўлида даъват қилиш, яъни яхшиликка буториш, ёмонлиқдан қайтариш. Буларнинг барчasi кишининг тоқати, қудрати даражасида юмшоқлик билан, ширинсўзлик бўлади.

15. Ҳожиларга ёрдам бериш. Адашганларга йўл кўрсатиш, билмаганини ўргатиш каби ишлар шулар жумласидан.

16. Инфок қилишни кўпайтириш. Жумладан, мухтоҷларни хурсанд қилиш, биродарларининг ёрдамга эҳтиёжи борлигини сезса, ўзлари сўрашидан аввал уларга ёрдам бериш.

17. Ўзининг мақомининг (ўзи турган макони ва замонининг) азamatини (улуглигини) ичидан хис қилиш. Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: «**Ана шундай. Ким Аллоҳнинг нишоналарини улугласа, бас, албатта, бу қалбларнинг тақвосидандир**» (*Ҳаж сураси, 32-оят*). Бу билан кишининг ҳаж пайтида етадиган қийинчилик ва азиятларга сабр қилиши осон бўлади. Шунингдек, вақтини ҳам ғанимат билиб, уни Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун сарф қиласи. Кучига куч қўшилиб, ибодатга рағбати ортади. Ўзи машғул бўлаётган нарсадан ҳузур топади.

18. Ҳаж кунлари тугашига тайёр бўлиш. Ҳаж кунлари саноқлигина, тез ўтиб кетувчидир. Ҳожи ҳар дақиқани ғанимат билса, бу кунлар тугаётганда кўп ажр ололмаганидан пушаймон бўлиб юрмайди.

19. Фарзларни адо этишни муҳофаза қилиш. Бу аввало беш маҳал намозни жамоат билан ўкишдир. Шунингдек, ҳаром ишлардан тийилишдир.

20. Нафсини кераксиз нарса билан машғул қилишдан узокда бўлиш. Бу кўп ҳолларда инсонга ўз ишини муваффақиятли бажара олмаслигининг асосий сабаби бўлади.

Хотима: Ҳожи Роббига қурбат ҳосил қилишда ва ҳаж амалларини адо этишда ёрдам берадиган барча нарсага ҳарис бўлиши керак. Шу билан бирга, ҳажни адо этишда ҳалал берадиган ва ажрларининг камайишига сабаб бўладиган ҳар қандай сўз ва амалдан йироқда бўлишга интилиши лозим.

Аллоҳ таоло барча мусулмонларнинг ҳажсларини қабул қилсин, ибодатларининг бенуқсон бўлишида ёрдамчи бўлсин!

Зарнигор тайёрлайди.

Аллоҳ таолога дуо қиласиз-у, лекин ижобат бўлмайди, бунинг сабаби шуки, сизларнинг қалбингиз ўнта нарса билан ўлган:

- Аллоҳни танийсиз-у, ҳаққини адо этмайсиз.
- Аллоҳнинг Китобини ўқийсиз-у, унга амал қилмайсиз.
- Шайтонни душман, деб даъво қиласиз-у, лекин уни дўст тутасиз.
- Расулulloҳни яхши кўрамиз, деб даъво қиласиз-у, аммо ул зотнинг йўлларидан юрмайсиз ва суннатларини бажармайсиз.
- Жаннатни яхши кўрасиз-у, бироқ унга олиб борувчи амалларни қилмайсиз.
- Жаҳаннамдан қўрқасиз-у, гуноҳлардан тийилмайсиз.
- Ўлим ҳақ, деб даъвода бўласиз-у, аммо унга тайёргарлик кўрмайсиз.

УЛУГЛАРНИНГ ЎТИЛЛАРИ

- Бировларнинг айбларини кўрасиз-у, ўз айбларингизни кўрмайсиз.
- Аллоҳ берган ризқни ейсиз-у, лекин шукронаси ни қилмайсиз.
- Ўликларингизни дағн этасиз-у, аммо бундан ибрат олмайсиз.

Ўлик ер самар бермаганидек, ўлик қалбдан чиқкан дуо ҳам ижобат тополмайди.

Иброҳим Адҳам

Инсонлар Аллоҳнинг азамати ҳақида фикр юритганларида, Унга осийлик килмасдилар.

Биир Ҳофий

Кимнинг каломи ҳикмат бўлмаса, у лағвdir, кимнинг сукути тафаккур бўлмаса, у сахвdir, кимнинг назари ибрат бўлмаса, у лахвdir (ўйинdir).

Ҳасан Басрий

Набий алайхиссаломнинг саҳобалари: «Тафаккур – илмнинг нури», деганларини кўп эшитганман.

Амир ибн Абду Қайс

Яхши нарса ҳақида тафаккур этиш унга амал килишга ундейди, ёмон нарса ҳақида ўйлаш ундан қочишга ундейди.

Абдуллоҳ ибн Аббос

Қалб кўр бўлганидан кейин кўзнинг кўришидан фойда йўқдир.

Али ибн Абу Толиб

Бахил киши ўз мол-мулкининг қоровули ва ўзгалирга қолдирадиган меросининг хазиначисидир.

Муҳаммад Зеҳний

Киши қанчалик бадавлат бўлмасин, у ҳасис ва баҳил бўлса, эл ичидаги обрўсиз ва қадрсиз бўлади.

Абулбаракот Қодирий

Очкўзнинг бойлигидан ғам-алам ва озор етади. У қаерга борса, шу ерда доду фарёд кўтарилади.

Таъмагирнинг мол-мулкига ёмон кўз билан қарама, зоро, унинг бойлигидан тиши зиркирайди.

Мажидиддин Ҳавофи

Ўғилгинам, татимагил баҳил нонидан,
Узок бўл баҳилнинг дастурхонидан.

Фаридиддин Аттор

Бошингизга мушкул иш ва ташвиш тушганида мулойим бўлиб, одамларга меҳр-муҳаббат кўрсатасиз. Аммо давлату неъматларга эришганингизда бағритошлика мойил бўласиз.

Абулқосим аз-Замахшарий

Пулни ўйлаб сарф қилмоқ ярим фойдадир.

Ҳасан Басрий

Сўралмасидан аввал берилса, бу саховат хисобланади. Сўралганидан сўнг берилса, ҳаё ёки мазаммат билан боғлиқ бўлиб колади.

Али ибн Абу Толиб

Ўзинг муҳтоҷ бўлатуриб, сахийлик қиламан, дема.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий

Назокат тайёrlади.

МУБОРАК ЗАМ-ЗАМ СУВИННИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ



Муборак Маккада, Масжидул Ҳаромда Каъбадаги қора тошдан 18 метр масофада муборак Зам-зам булоги мавжуд. Унинг пайдо бўлиш тарихи Аллоҳнинг икки пайғамбари – Иброҳим алайҳиссалом ва Исмоил алайҳиссалом ҳаётлари билан боғлиқdir. Бу тарихий воқеани барча мусулмонлар жуда яхши биладилар, шунинг учун унга тўхталиб ўтирмасдан, Зам-зам сувининг хусусиятлари ҳақида сўз юритамиз.

Аллома Тожуддин ўзининг китобида шундай ёзди: «Аллома Мухаммад бин Исҳоқ ибн Ҳузаймадан сўрашди: «Қандай қилиб бундай юксак билим эгаси бўлгансиз?» У шундай деб камтарона жавоб берди: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган эдиларки, ким Зам-зам сувини нима ният билан ичса, ўша нарса изжобат бўлади. Мен илм истагида дуо қилиб ичганман ва Аллоҳ таоло менга ато қилди».

Тарихда ушбу сув туфайли ҳатто умидсиз bemorlar ҳам шифо топганлари тўғрисида жуда кўп мисоллар йиғилган. Ана шундай воқеалардан бирини қувайтлик журналист Гнейм ал-Мотейри сўзлаб берган эди. Унинг лейкемия (кон касаллиги) билан хасталанган укаси Талалга Ар-Риёддаги америкалик шифокорлар суюк кўчириб ўтқазишди. Бир неча ой мобайнida у буюрилган дориларни қабул

қилди, аммо унинг ахволи яхшиланиш ўрнига баттар ёмонлашди, соchlari бутунлай тўкилиб, танасига яра тошиб кетди. Ҳатто тилига ҳам яра тошганидан хеч нарса ея олмай қолди. 20 ёшли йигит қок сүякка айланиб қолган эди.

Талалнинг замонавий тибиёт воситаларидан шифо топишидан умидини узган қариндошлари уни Маккага Умра амалини бажариши учун юборишиди. Талал бу ерда меҳмонхонага жойлашди, у ерда тери саратони билан касалланган, Зам-зам суви билан ювиниб даволанаётган ва деярли соғайган мусулмон билан танишди.

Талал ҳам худди шундай сув муолажаларини бошлаб юборди. Тўрт кундан сўнг танасидаги яралари қуриди, яна бир неча кундан сўнг эса анчагина кичиклашиб, битиб кетди, улардан факат оқ доғлар қолди, холос. Тили ҳам аввалги ҳолатига қайтди.

Маълум бир муддатдан сўнг Талал уйига қайтди, йил давомида унинг ахволи яхшилана борди. Ўлар ҳолатдаги йигитнинг тузалганини эшитган қариндошлари Маккага эпилепсия билан хасталанган тўрт ёшли қизчани юборишиди. У муборак сувдан 15 кун мобайнida ичди. Кизча Маккага сафар қилганидан сўнг бир неча йиллар ўтди, аммо бир марта ҳам ҳуруж такрорланмади.

Олимлар Зам-зам сувининг шифобаҳштаъсири нимада эканини аниқ айтиб бера олишмайди. Саудия Арабистони Ахборот Вазирлигининг хабар беришича, маҳсус буклетда ўтказилган текширувлар ва тажрибаларнинг хуносасига кўра, барча ҳалқаро стандартларга асосан Зам-зам суви ичиш учун яроқли экан. Бирлашган Араб Амирлиги фуқароси кимёгар Адел Атия муборак сувнинг кимёвий таҳлилини ўтказди ва натижаларни «Ал-Иттиҳад» газетасида чоп этди. Унга кўра сув ҳеч қандай кимёвий ёки табиий қайта ишланмаса ҳам, унда ҳеч қандай заарли аралашмалар ва органик моддалар йўқ.

Шунингдек, соғлиқ учун хавфли бўлган фосфатлар, сульфатлар ва нитратлар йўқ, зарарли металлар – мис, қўрғошин, никел, кобальт, алюминий ҳам йўқ. Бироқ организм учун фойдали кальций, магний, сода, ишқор мавжуд. Бироқ сувнинг бундай таркиби касалликларни даволайдиган бирор алоҳида хусусиятга эга эмас. Эҳтимол, даволовчи таъсир Илохий куч билан қувватланадиган сувнинг энерго-ахборот таъсири туфайлидир.

Сув намунасининг Европа лабораторияларида қилинган таҳлили натижалари бошқа лабораториялар натижалари билан бир хил чиқди.

Зам-зам сувидаги кальций ва магний таркиби шаҳар сув тармоғидаги сувдан бир оз кўпроқ. Балки шунинг учун ҳам у чарчаган ҳожиларнинг тетиклашишларига ёрдам берар. Зам-зам суви самарали бактерицид хусусиятига эга бўлган фторидларни тутади.

Бу сув ҳақида қанчалик қўп билсангиз, ҳайратнинг шунчалик қўп ошаверди ва Аллоҳ таоло иймон эгаларига неъмат қилиб берган бу сувнинг мўъжизакор хусусиятларига ишончингиз яна ҳам ортаверади.

Зам-зам сувининг бир нечта ажойиб хусусиятларидан бири шуки, булоқ ҳеч қачон йўқолмайди, ҳеч қачон қуримаган, пайдо бўлганидан буён доим тўлиб туради.

Тузлар таркиби ва сувнинг таъми булоқ пайдо бўлганда қандай бўлган бўлса, шундайлигича сақланиб келади. Бу сувнинг ичиш учун яроқлилиги ҳеч қачон гумон қилинмаган. Маккага Ҳаж ва Умра учун бутун дунёдан ҳар йили келадиган зиёратчилар ҳеч қачон шикоят қилишмаган ва доим тетиклаширувчи сувдан хузур қилиб ичишган.

Хамма жойлардаги сувларнинг таъми бир-биридан фарқ қиласи. Зам-зам сувининг таъми эса ўзгармасdir.

Микроорганизм ва бактерияларнинг йўқлиги: бу сув оддий сув тармоғидаги сувга ўхшаб кимёвий ишланмаган ёки хлорланмаган. Кўпгина булоқларда микроорганизмлар ва вегетацияларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, сув ўтларининг ўсиши ҳисобига сувнинг ноxуш хидли ва таъмли бўлиши кузатилади. Аммо



Зам-зам булоғида бундай ҳол кузатилмайди.

Яна шу нарса ҳайратланарлики, Зам-зам суви ҳатто йиллар ўтса ҳам ўзининг тетиклаширувчи таъмини йўқотмайди ва доим бир хилда туради. Буни Маккага келиб, бу сувдан маҳсус контейнерларга солиб, ўз юртларига, ер юзининг барча чеккаларига олиб кетган одамлар тасдиқлаши мумкин. Бу сув уларнинг уйларида йиллаб турган, бироқ унинг таъми, ҳиди ва ранги умуман ўзгармаган. Буни бизнинг бир ишчимиз ҳам тасдиклайди, унинг оиласида ҳам Маккадан ўн беш йил олдин келтирилган Зам-зам суви сақланар экан ва бу муддат ичиди у мутлақ ўзгармаган.

Шундай экан, Аллоҳнинг буюк неъматини қадрлайлик ва ундан баҳраманд бўлайлик.

Сўзимиз якунида Ҳаж ва Умрага боришни ният қилганларга қаратса мурожаат қилиб айтар сўзимиз бор: Муборак Маккада бўлар экансиз, Зам-зам сувини тўйиб-тўйиб ичинг. Турган меҳмонхонангизга олиб чиқинг, Мино водийисига ҳам олволинг. Арафотда ва Муздалифада ҳам ундан ажраманг. Ва албатта, Зам-замни ватанингизга қариндошларингиз ва яқинларингиз учун олиб келишни унутманг! Бутун оламлар Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!

Tib.islom.издан олинди.

САФАР ТАДОРЫГИ

ОМИНА
ЗУЛХИЖКА

РҮЗФОР

Хар қандай сафарнинг ўзига яраша қийинчилик ва мاشаққати бор. Узоқ йўлга чиққанда кишилар сафар тадоригини кўриб олсалар, мушкул вазиятлардан холи бўладилар. Айниқса бу масалага аёллар қўпроқ эътибор беришлари даркор. Азиз опа-сингиллар! Сафарингиз осойишта, йўлингиз осон, оғирингиз енгил бўлиши учун куйидаги тавсияларимизга қулоқ тутинг!


Ҳаж зиёрати учун йўлга чиқаётганингизда қуйидаги буюмларни ўзингиз билан бирга олиб чиқиши маслаҳат берамиз:

- Кўйлак-лозим (3 сидра бўлса яхши).
- Рўмол.
- Оёқ кийим (юришга қулайидан 2-3 та).
- Пайпоқ.
- Сојабон.
- Ҳужжатларни ва шахсий буюмларни солиб юриш учун кичкина сумкача.
- Дори-дармонлар қутиси (доим ичиб юрадиган дори-дармонларингиздан ҳам).
- Сурма, хина, мушки анбар.
- Кичкина қайчи, тирноқ оладиган мослама.
- Шахсий гигиена воситалари.
- Йўл учун озиқ-овқат маҳсулотлари.

Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Яман аҳли ҳажга озуқа олмай келишар, «Биз тавакқал қилувчилармиз», дейишар эди. Маккага келгандан сўнг одамлардан тиланчилик қилишга тушишарди. Бас, Аллоҳ таоло «Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир»(ояти)ни нозил қилди».

Назокат тайёрлади.



ШАРҚ АЁЛЛАРИНИНГ ГЎЗАЛЛИК СИРЛАРИ



Шарқ аёлларининг гўзаллиги азалдан тилларда достон бўлиб келган. Уларнинг гўзаллик сирлари асрдан-асрга ўтиб, шу кунимизгача етиб келган. Пардоз воситаларининг табиий маҳсулотлар: мева-сабзавот, ўсимлик ёғлари, турли ўтлар ва илдизлардан тайёрланиб, турли крем ва смуртмалар сифатида кўлланилгани барчамизга маълум. Бугунги кунда ҳам кимёвий усуlda тайёрланган пардоз воситалари дўкон расталарини тўлдириб турганига қарамай, опа-сингилларимиз орасида табиий маҳсулотлардан тайёрланган пардоз ашёларига қизиқиш катта. Уларни уй шароитида тайёрлаш ҳам мумкин. Қуйида тайёрланиши осон, таъсири самарали ниқобларнинг бир нечтасини эътиборингизга ҳавола этамиш.

Ёғли ва меъёрдаги (нормал) юз териси учун ёшартирувчи никоб

Керакли масаллиқлар:

- 1 ош қошиқ хўл ачитки (дрожа);
- 1 ош қошиқ йогурт (ёки сметана);
- 1 чой қошиқ истеъмол содаси;
- 1 ош қошиқ илик сув.

Барча масаллиқларни яхшилаб аралаштириб, ҳосил бўлган қоришмани юз ва бўйинга бир текисда 15 дақиқага суртиб қўйилади. Никоб қотишини кутиш шарт эмас (узоқ қотади). Кейин илик сув билан ювиб, ёғсиз крем сурилади.

Ачитки (дрожа) юзни тозалайди, сода эса теридаги шамоллашни йўқотади.

Меъёрдаги (нормал) ва таъсирчан юз териси учун ёшартирувчи никоб

Керакли масаллиқлар:

- 3 ош қошиқ асал;
- 10 томчи лимон шарбати (ёғли тери учун);
- 1 ош қошиқ сабзи шарбати ёки қирғичнинг майда тишли томонидан ўтказилган сабзи (куруқ тери учун);
- 1 дона паррак-паррак қилиб кесилган совук бодринг.

Масаллиқлар яхшилаб аралаштирилади. Тайёрланган ниқобни юз ва бўйинга охиста суртиб, бармоқ учлари билан енгил уқаланади. Ундан кейин ниқобни ювиб юбормасдан, устидан паррак-паррак қилиб кесилган бодрингларни бир текисда қўйилади ва 15 дақиқадан сўнг илик сув билан ювилади.

Уй шароитида тоник тайёрлаш

Керакли масаллиқлар:

- 1 чой қошиқ асал;
- 2-3 томчи лимон шарбати (ёғли тери учун);
- Янги атиргул барглари.

Атиргул баргларини ярим стакан қайнаган сувга солиб, устини ёпиб, 20 дақиқа давомида тиндирилади. Сўнг асал, юз терисига қараб лимон шарбати қўшилади. Кейин аралашмага пахтани ботириб олиб, юз терисига суртилади. 10-15 дақиқадан сўнг олдин илик, кейин совук сув билан ювилади.

Атиргул барглари эфир мойларига бой бўлиб, юз терисини ёшартириш хусусиятига эга.

Оқартирувчи никоб

Керакли масаллиқлар:

- 1 дона тухумнинг оқи;
- 1 чой қошиқ туз;
- 1 ош қошиқ лой (аптека глинаси);
- 2-3 томчи лимон соқи.

Ҳамма масаллиқлар яхшилаб аралаштирилиб, юзга охисталик билан суртилади. 15-20 дақиқа ўтгач, илик сув билан ювиб ташланади.

Сизларни сийрат ва сурат гўзаллиги тарк этмасин!

Гўзал тайёрлади.

ПИШЛОҚЛИ ТАЁҚЧАЛАР

Керакли масаллиқлар:

150 г пишлок;

80 г сариёғ;

150 г ун;

100 мл сут;

3 г қабартма туз.

Тайёрланиши:

Пишлокни қирғичнинг йирик тишли томонидан чиқарамиз. Пишлокниң нави тайёрланаётган таомимизнинг мазасини белгилаб беради. Шунинг учун тузи камрок пишлокни танласангиз, туз микдорини расолаш ўзингизга боғлиқ. Эритилган сариёғни майдаланган пишлок билан аралаштирамиз. Унга сут, қабартма туз күшамиз ва ун солиб, хамир корамиз.

Тайёр бўлган хамирни 30 дакиқага музлатгичга кўямиз. Сўнг хамирни музлатгичдан олиб, 5 мм қалинликда ёямиз ва қалинлиги 2 см, узунлиги эса 15 см бўлган таёқчалар кесиб оламиз. Уларни бирма-бир қаламга спирал шаклида ўраб чиқамиз ва қаламни аста тортиб чиқарамиз.

Ўраб олинган таёқчаларимизни маҳсус қоғоз солинган патнисга териб чиқиб, аввалдан 200°C ҳароратда киздирилган духовкага 15 дакиқага кўямиз. Чиройли, қизғиши тусга киргунича пиширамиз.

Тайёр бўлган пиширикни ликопларга солиб, дастурхонга тортамиз. Ёқимли иштаҳа!

Гўзал тайёрлади.



«Мўминларнинг онаси бўлган Оиша онамиз
ҳақида китоб сотиб олиб беришишимизни
интиқлик билан кутаётган шу қизалоқни
Ўзинг ёрлақагин!»

Биз бугун оиламиз билан истироҳат боғига чиқдик. Оиламиз, деганда мен, турмуш ўртоғим ва қизимни назарда тутяпман. Ёзинг айни қизиган палласи. Соя-салқинда хордик чиқариш ва айниқса қизимиз Оишани айлантириб келиш ниятидамиз. Эсаётган шаббоданинг майин эпкинидан ҳузурланиб, турмуш ўртоғим билан Аллоҳга шукроналар айтиб, боғни айлануб юрибмиз. Оиша эса болаларча қизиқувчанлик ва беғуборлик билан атрофимизда чопқиллаб ўйнаб юрибди.

Икки тарафида арчазор, унинг ортида атиргуллар очилиб турган ўйлақдаги ўриндиқларга бориб ўтиридик. Оишанинг қувончи ичига сигмайди. Ахир у бу кунни дадаси «Дам олиш куни истироҳат боғига олиб чиқаман», деб ваъда берганидан бўён кутар эди. Биз дадаси билан қизимишнинг хурсандчилигидан қувонамиз. Сұхбатимиз ҳам асосан қизимиз ҳақида бўлади.

Аллоҳ бизни мана шу қизалоқ билан сийланган. Уни бағримизга олганимизга саккиз йил бўлди. Жажжигина чақалоқни катта қилиш, тенгдошлари қаторига қўшиш биз учун осон бўлмади. Турмуш ўртоғим иккаламиз унинг қошида парвонамиз. Бу саккиз йил мобайнидаги бедор тунларни айтмайсизми! Шукрки, Оиша ақлли, закия қиз бўлиб улғаймоқда. Бу ҳам бизга Аллоҳнинг меҳрибонлиги! Биз уни Аллоҳга ва Унинг Расулига муҳаббатли қилиб тарбиялашга ҳаракат қиляпмиз.

Кечалари пайғамбар алайҳимуссалом ҳақида ҳикоялар ўқиймиз. Ўқиганларимизнинг магизини чақиб, маъносини англашга ўргатаман. Оиша бизни ақл-хуши, заковати ила тобора

хурсанд қиляпти. Китоб ўқиш фойдали экани, мутолаа инсон ақлини чарҳлаши, дунёқарашини кенгайтириши ҳақида унга тинмай уқтираман. Тўғри, у хали ёш бола бўлгани учун анча ўйинкароқ. Айниқса қўғирчоқлар жону дили. Шу боис баъзида сўзимни олади, баъзида зериккандек кўринади.

Бир куни турмуш ўртоғим хизмат сафарига борадиган бўлдилар. Орадан бир кун ўтиб, биздан ҳол-ахвол сўраб қўнғироқ қилдилар. Гаплашиб бўлгач, телефон гўшагини Оишага бердим. Гўшакнинг нариги томонидаги умр йўлдошимнинг овози менга ҳам эшитилиб турибди: «Оиша қизим, сенга нима олиб борай?»

«Дадажон, менга китоб олиб келинг». Унинг жавобидан юрагим ажаб хаприқиб кетди.

Шу кун ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Қизим дадасидан ширинлик сўрамади, қўғирчоқ талаб қилмади, ўйинчоқ олиб беришини илтимос қилмади. Ваҳоланки, қўғирчоқ ўйнаш унинг

энг севимли машғулотларидан бири эди. Бу ҳам Аллоҳнинг меҳрибонлиги. У дадасидан пайғамбарларнинг фарзандлари ҳақида китоб олиб келишларини сўради. Қизалоғимизнинг тарбиясидаги навбатдаги ютуғимиздан бошим кўкка етгудек севиндим.

Баъзида одамлар: «Болани бунча қаттиқ тарбия қиласиз, ўз холига қўйинг», дея эътиroz билдиришади. Қизалоғимнинг ойна олдида туриб бошига рўмол ўраётганини кўриб «Болалар мос кийинтирсангиз бўлмайдими?» деганлар ҳам бўлди. Йўқ, Оиша уларнинг фикрига қўшилмайди. У одамларнинг айтганига эмас, Аллоҳнинг буйруғига ва Расулининг кўрсатмасига амал қилишни хоҳлайдиган бўлди.

Биз ҳам унинг болалигига хиёнат қилмадик, болаларча меҳрибонлик билан тарбияляпмиз. Вақтида ўйинчоғини ўйнайди, вақтида ўй

МЕН МАҒЛУБ БЎЛДИМ

ишларимга қарашибди, вақтида китоб ўқиймиз. Дадасининг ҳам нуридийдамизга меҳри ўзгача. Якка фарзанд эмасми, зерикиб қолганларида дадаси худди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам елкаларига Ҳасан-Ҳусайнни ўтиргизиб ўйнатганларидек, тўрт оёклаб тойчоқ бўлиб, устиларига миндириб, уй ичидаги такбир айтиб айлантирадилар. Ҳонадонимиз қизалогимизнинг шўх-шодон кулгисидан янада файзли бўлиб кетади.

Унинг энг севимли китобларидан бирни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оналари ҳақидаги рисоладир. Уни қайта-қайта ўқиб чиқишдан чарчамайди. Энди эса мўминларнинг онаси бўлмиш Оиша онамиз ҳақидаги рисолани олиб беришимизни сўраяпти.

Биз ҳам турмуш ўртоғим билан ёшлиқдан исломий тарбия олдик, ўқидик, ўргандик. Шукрки, қизимизни ҳам шу йўлда камолотга етказяпмиз. Лекин менинг ҳам, дадасининг ҳам феълимиизда бир нуқсон бор. Керак пайтда ғазабимизни, жаҳлимиизни босолмай қоламиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, қайғунинг аввалида қилинган сабр энг гўзал сабрdir. Ғазабимиз келган дақиқаларда шу ҳадисни ёдимиизга олишимиз қийинроқ. Яқинларимизга ичимиздаги бор ғазабимизни сочиб бўлгачгина уни эслаб қоламиз...

Шулар ҳақида турмуш ўртоғим билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Оиша ҳам ўзи билан ўзи овора ўйнаб юрибди. Суҳбатимиз давомида биздан салнарирокда ўтирган жуфтликка ўзимиз тушди: ёши 18-20 ёшлардаги йигит ва қиз. Уларнинг ўтирган ҳолатларини кўрган одамнинг уятдан юзи қизариши аниқ. Бир-бирининг пинжига кириб кетай дейишаپти. Атрофдагилар учун бу қанчалик ёқимсиз кўриниш экани уларнинг хаёлларига ҳам келмаётгани аниқ. Уларни кўриб, кайфиятимиз бузилди. Ҳаттоқи Оишанинг биздан узоқлашганини ҳам сезмай

қолибмиз.

Бир пайт қарасак, у ҳалиги жуфтликнинг ёнига бориб олибди. Турмуш ўртоғим иккализмизнинг ўша ҳолатдаги авзойимизни кўрсангиз эди. Ҳалиги йигит билан қизга алланималарни гапириб турган қизимиздан анчагина жаҳлимиз чиқди, лекин буни болаликка йўйиб, ўзимизни босишга ҳаракат қилдик.. Лекин Оиша ёнимизга қайтиши билан астойдил койий бошладик.

«Нима бор сенга уларнинг олдида?», «Нега уларнинг яқинига бординг?» каби саволлар билан дадаси ҳам менга қўшилиб унга танбех бера бошладилар. Жаҳл келганда ақл кетади, дейишилади-ку. Ҳатто болам шўрликни бир-икки силтаб ҳам юбордим. Оиша эса ҳадик билан бир менга, бир дадасига мўлтираб қаради ва маъюс нигоҳини ерга қадаб, маҳзун оҳангда деди: «Мен уларга бу ишлари гуноҳ эканлигини айтдим».

Ё Раббий! Мен мағлуб бўлдим. Устимдан бир чеълак муздек сув қўйилгандек, вужудим жимирилаб кетди. Биз қилишимиз керак бўлган ишни Оиша бажарганди. Биз катталар айтишимиз керак бўлган гапни саккиз ёшли жигарбандим айтганди. Устига-устак, у биздан яхшигина дакки эшитди. Мана шу мурғак кўнгилга озор берганим учун Аллоҳ таолонинг олдида уялиб кетдим. Ўзимни кўз ёшидан аранг тийиб олдим. Дадаси ҳам караҳт бўлиб, бир сўз деёлмай қолдилар.

Аллоҳим, бизларни Ўзинг кечир, мўминларнинг онаси бўлган Оиша онамиз ҳақида китоб сотиб олиб беришимизни интиқлик билан кутаётган шу қизалоқни Ўзинг ёрлақагин!

Одинахон Абдуваҳҳоб қизи тайёрлади.